

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

13-14-сон  
(929-930)  
2020 йил  
13 апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

137. ««Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 7 апрелдаги ЎРҚ-614-сон Қонуни
138. «Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-615-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

139. «Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 мартағи ПФ-5977-сон Фармони
140. «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон Фармони

141. «Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ-4664-сон қарори [Кўчирма]
142. «Тамаки маҳсулотлари бозорини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 апрелдаги ПҚ-4665-сон қарори
143. «Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сон қарори
144. «2020 — 2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 апрелдаги ПҚ-4667-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

145. «Норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендерхуқуқий экспертизадан ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартағи 192-сон қарори
146. «Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 апрелдаги 199-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

147. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Бош прокуратуроси хузуридаги Иктисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2020 йил 26 февралдаги 344-В-3, 10-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллашибдиришга, терроризмни молиялашибдиришга ва оммавий кирғин қуролини тарқатишни молиялашибдиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 мартаға рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 2925-3)
148. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 мартағи 8-2020/Б-сон «Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муасасаларининг фаолияти тўхтатилганда мактабгача таълим ташкилотлари

тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасалари бошлангич синф ўқувчиликнинг ота-оналарига йиллик меҳнат таътили беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3227*)

149. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 марта даги 9-2020/Б-сон «Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3228*)
150. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 марта даги 19, 113-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва пре-курсорларни ташиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1791-1*)
151. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 24 марта даги 7-2020/Б-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163-1*)
152. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 26 февралдаги 85-сон «Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиши учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2972-1*)
153. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2020 йил 27 февралдаги 2020-07-сон «Солик тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2926-2*)
154. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 5 марта даги 5/3-сон «Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хукуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 28 мартаңдан 10 апрелгача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

### **137 «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 12 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Метрология тўғрисида»ги 1004-XII-сонли Қонунига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 48-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансан (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва ахамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

---

\* Ушбу Қонун «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 апрелда эълон қилинган.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 7 апрель,  
ЎРҚ-614-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ**

**Метрология тўғрисида  
(янги таҳрири)**

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади метрологияга оид фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**метрологияга оид фаолият** — ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш, ўлчаш услублари ва воситалари, шунингдек талаб қилинадиган аниқликка эришиш усувлари билан боғлиқ бўлган фаолият;

**метрологик кузатилувчанлик** — ўлчаш натижасининг ҳужжатлаштирилган узлуксиз калибрлашлар кетма-кетлиги орқали эталонга боғлаш мумкин бўлган хоссаси;

**метрологик экспертиза** — ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши билан боғлиқ метрологик талаблар, қоидалар ва нормаларни қўллаш тўғрилиги ҳамда тўлиқлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича ташкилий-хукуқий ишлар мажмуи;

**синов воситаси** — синовлар ўтказиш учун мўлжалланган, норма-

ланган техник тавсифлари бўлган техник қурилма, модда ва (ёки) материал;

**стандарт намуна** — метрологик аттестация натижасида модда (материал)нинг хоссаси ёки таркибини тавсифлайдиган битта ёки ундан ортиқ қийматлари аниқланган шу модда (материал) намунаси шаклидаги ўлчаш воситаси;

**эталон** — муайян катталик бирлигининг ўлчамини бошқа ўлчаш воситаларига ўтказиш мақсадида уни қайта ҳосил қилиш ва саклаш учун мўлжалланган ўлчаш воситаси;

**ўлчашлар аниқлигининг кўрсаткичи** — ўлчаш услубиётининг қўлланилаётган нормалари ва қоидаларига риоя этилганда олинган ўлчаш натижалари аниқлигининг белгиланган тавсифи;

**ўлчашларни бажариш услубиёти** — ўлчашларнинг бажарилишини ва уларнинг натижалари белгиланган аниқлик кўрсаткичлари билан олинишини таъминлайдиган операциялар ва қоидалар мажмуи;

**ўлчаш воситаси** — ўлчашлар учун фойдаланиладиган ва нормалangan метрологик хусусиятларга эга бўлган техника воситаси;

**ўлчаш воситаларини калибрлаш** — берилган шароитларда ўлчаш воситаси ёрдамида олинган катталик қиймати ва этalon билан қайта тикланадиган тегишли катталик қиймати ўртасидаги нисбатни аниқлаш орқали ўлчаш воситасининг метрологик тавсифларини аниқлаш мақсадида бажариладиган операциялар мажмуи;

**ўлчаш воситаларини қиёслаш** — ўлчаш воситаларининг белгилаб қўйилган метрологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида бажариладиган операциялар мажмуи;

**ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши** — ўлчашларнинг натижалари қонунийлаштирилган бирликларда ифодаланган ва ўлчашларнинг аниқлик кўрсаткичлари маълум эҳтимоллик билан белгиланган чегараларда жойлашган ҳолати.

#### **4-модда. Метрологияга оид фаолият соҳасидаги асосий вазифалар**

Метрологияга оид фаолият соҳасидаги асосий вазифалар қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш;

ишончсиз ўлчаш натижаларининг олдини олиш;

холис, ишончли ва солиштириладиган ўлчаш натижаларига бўлган эҳтиёжларни қондириш;

ўлчаш натижаларининг миллий ва (ёки) халқаро эталонларгача метрологик кузатилувчанлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланишига ва илмий-техник тараққиётiga кўмаклашиш.

### **5-модда. Метрологияга оид фаолият соҳасининг асосий принциплари**

Метрологияга оид фаолият соҳасининг асосий принциплари қўйидаги-лардан иборат:

қонунийлик;

метрология текшируви ва назорати натижаларининг холислиги;

илмий асосланганлик;

ўлчаш бирликлари қўлланилишида халқаро бирликлар тизимининг устуворлиги;

бошқарув тизимининг ягоналиги;

маълумотларнинг ошкоралиги ва очиқлиги;

ўлчашлар ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича миллий ва халқаро талабларнинг ўйғуналиги.

### **2-боб. Метрологияга оид фаолият соҳасини тартибга солиш**

### **6-модда. Метрологияга оид фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Метрологияга оид фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

метрологияга оид фаолиятни халқаро талаблар асосида ривожлантириш;

инвестицияларни жалб қилиш учун кулай шарт-шароитлар яратиш;

илмий тадқиқотларни ривожлантириш ҳамда уларни ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграция қилиш;

метрологияга оид фаолият соҳасидаги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

илғор инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини рафбатлантириш;

нотўғри ўлчаш натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилишга доир тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш тизими ишлаши ва ривожланишини, унинг халқаро бирликлар тизими ва бошқа мамлакатларнинг катталик бирликлари тизимлари билан ўйғунлашувини таъминлаш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### **7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг метрологияга оид фаолият соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

метрологияга оид фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

метрологияга оид фаолият соҳасида давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида метрологияга оид фаолият соҳасида норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қиласи;

метрологияга оид фаолият соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

катталик бирликларининг номлари ва белгилари, уларни ёзиш ва қўллаш қоидаларини, метрология текшируви ва назорати тартибини, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини хисобга олган холда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўтказилган ўлчаш восита-ларини синаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш, қиёслаш, калибрлаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартибини белгилайди.

### **8-модда. Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати**

Метрологияга оид фаолият соҳасининг давлат томонидан бошқарилиши мэтрология бўйича миллий орган — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан буён матнда маҳсус ваколатли давлат органи деб юритилади) амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати давлат метрология хизматидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматларидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари хисобланмайдиган юридик шахсларнинг метрология хизматларидан иборатdir.

Давлат метрология хизмати маҳсус ваколатли давлат органи ва унинг Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлинмаларидан, шунингдек Ўзбекистон миллий метрология институтидан иборат.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари хузуридаги маҳсус ташкил этилган ҳамда аккредитация қилинган бўлинмалардан иборатdir.

Юридик шахсларнинг метрология хизматлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари хисобланмайдиган маҳсус ташкил этилган ҳамда аккредитация қилинган юридик шахслардан ва (ёки) улар хузуридаги бўлинмалардан (бундан буён матнда юридик шахсларнинг метрология хизматлари деб юритилади) иборат.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари зарурат бўлган ҳолларда ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича ишларни бажариш ҳамда метрология текширувани амалга ошириш учун ташкил этилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматларининг ҳамда юридик шахслар метрология хизматларининг хуқуқ ва мажбуриятлари давлат метрология хизмати органлари билан келишиб олинган низомларда ўрнатилади.

**9-модда. Махсус ваколатли давлат органининг метрологияга оид фаолият соҳасидаги ваколатлари**

Махсус ваколатли давлат органи:

метрологияга оид фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

мамлакатда метрологияга оид фаолият соҳасидаги мінтақалараро ва тармоқлараро ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

миллий эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва ишчи ҳолатда сақлаб туриш қоидаларини ўрнатади, шунингдек уларнинг халқаро даражада солиширилишини таъминлайди;

ўлчаш услублари, воситалари ва натижаларига қўйиладиган умумий метрологик талабларни белгилайди;

давлат метрология текшируви ва назоратини амалга оширади, шунингдек метрологияга оид фаолият соҳасидаги харакатларни мувофиқлаштиради;

давлат синовларидан ўтган ва тури тасдиқланган ёки метрологик аттестациядан ўтказилган йўлчаш воситаларининг давлат реестрини юритади;

ўз ваколатлари доирасида, шу жумладан бошқа давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорликда норматив-хукуқий хужжатларни ва норматив хужжатларни қабул қиласи;

илмий кадрлар ва муҳандис-техниклар тайёрлашни ҳамда қайта тайёрлашни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича юклатилган вазифаларни бажариш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, ташкилотларнинг мутахассисларини жалб этади;

ўз ваколатлари доирасида халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг ўлчашлар ягона бирликда бўлишини таъминлаш тизими ишлаши ва ривожланишини ҳамда унинг халқаро бирликлар тизими ва бошқа мамлакатларнинг катталик бирликлари тизимлари билан уйғунлашувини таъминлайди;

истеъмолчилар хукуқларини, фуқароларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини, атроф-муҳитни ҳамда давлат манфаатларини нотўғри ўлчаш натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, шунингдек ташкилотлардан ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотни олади.

**10-модда. Махсус ваколатли давлат органи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлинмаларининг ваколатлари**

Махсус ваколатли давлат органи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлинмалари:

аккредитация қилинган ҳолда ўлчаш воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш, қиёслаш ва калибрлаш ишларини бажаради;

ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

миллий даражада лабораториялараро солиширишларда иштирок этади.

**11-модда. Ўзбекистон миллий метрология институтининг ваколатлари**

Ўзбекистон миллий метрология институти:

Ўзбекистон Республикаси миллий эталонлар базасини такомиллаштиради ва ривожланишини таъминлайди;

эталонларни ва энг юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини сақлаб туриш ҳамда уларни халқаро даражада солишириш, шунингдек катталик бирликларини сақлаш ва узатиш бўйича ишларни бажаради;

ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

метрология текшируви натижаларини ўзаро эътироф этиш бўйича халқаро шартномаларни рўёбга чиқаришда иштирок этади;

метрология текширувини ва метрологияяга оид фаолият соҳасидаги илмий тадқиқотларни амалга оширади.

**12-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматларининг ҳамда юридик шахслар метрология хизматларининг ваколатлари**

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматларининг ҳамда юридик шахслар метрология хизматлари:

аккредитация қилинган ҳолда ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш ишларини бажаради;

ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади.

**3-боб. Метрологияяга оид фаолиятни ташкил этиш**

**13-модда. Ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив ҳужжатлар**

Метрология нормалари ва қоидаларини белгиловчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида мажбурий кучга эга бўлган ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив ҳужжатларни тасдиқлаш

ва давлат рўйхатидан ўтказиш маҳсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив хужжатларнинг қўйидаги турлари қўлланилади:

- ўлчаш воситаларини қиёслаш услубиёти;
- ўлчаш воситаларини калибрлаш услубиёти;
- ўлчашларни бажариш услубиёти;
- синов воситаларини аттестациядан ўтказиш услубиёти.

Ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив хужжатлар жумласига метрология текширувани ўтказиш тартибини белгиловчи стандартлаштириш бўйича хужжатлар ҳам киради.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш услубиётлари, синов воситаларини аттестациядан ўтказиш услубиёти метрологик экспертизадан ўтказилиши лозим.

Ўлчашларни бажариш услубиёти метрологик аттестациядан ўтказилади.

#### **14-модда. Катталик бирликлари**

Ўзбекистон Республикасида халқаро бирликлар тизимининг катталик бирликларини белгиланган тартибда қўллашга йўл қўйилади. Катталик бирликларининг номлари, белгилари, уларни ёзиш ва қўллаш қоидалари маҳсус ваколатли давлат органининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан халқаро бирликлар тизимиға киритилмаган бирликларни қўллашга рухсат берилиши мумкин.

Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида шартнома шартларига мувофик ўзга катталик бирликларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

#### **15-модда. Катталик бирликларининг эталонлари**

Катталик бирликлари эталонлар воситасида сақланади ва қайта ҳосил қилинади.

Эталонлар орқали қайта ҳосил қилинадиган катталик бирликлари халқаро бирликлар тизимининг бирликларига қадар метрологик кузатилувчаникни таъминлаши керак.

Маҳсус ваколатли давлат органининг қарори билан миллий эталон Ўзбекистон Республикаси худудида муайян катталик бирлигининг ўлчамини белгилаш учун бирламчи эталон сифатида эътироф этилади.

Миллий эталонларни хусусийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаш тартиби маҳсус ваколатли давлат органи томонидан ўрнатилади.

#### **16-модда. Ўлчаш воситалари ва синов воситалари**

Фойдаланишда бўлган ўлчаш воситалари ва синов воситалари ўлчаш

натижаларининг белгиланган аниқликдаги қонунийлаштирилган бирликларда бўлишини таъминлаши ва қўллаш шартларига мос келиши керак.

Ўлчаш натижаларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган рухсат этилмаган созлаш ва аралашувларнинг олдини олиш мақсадида ўлчаш воситаларининг конструкцияси ўлчаш воситаларининг функционал қисмларига (шу жумладан дастурий таъминотга) кириш чекланишини таъминлаши керак.

Куйидагилар техник воситалар, қурилмалар, моддалар ва (ёки) материаларнинг ўлчаш воситалари ва (ёки) синов воситалари жумласига киритиш мезонлари ҳисобланади:

қийматлари маълум вақт давомида ўзгармас деб қабул қилинадиган нормаланган метрологик хусусиятларга ва техник тавсифларга эга бўлиши;

ўлчаш натижаларининг белгиланган аниқликда қонунийлаштирилган бирликларда бўлишини таъминлаш қобилияти, шунингдек синов натижаларининг ишончлилиги;

механик, электрик, оптик, физик-кимёвий, электрон принципларда ишлиши.

Куйидаги ҳолларда техник воситалар ўлчаш воситалари ва (ёки) синов воситалари ҳисобланмайди:

индикатор функциясига эга бўлганда;

натижалари ўлчаш ва (ёки) синов ҳисобланмайдиган, факат дастлабки баҳолаш учун фойдаланилганда;

факат ўлчаш ва (ёки) синов натижалари хақида ахборот узатиш функцияларини бажарганда.

### **17-модда. Ўлчашларни бажариш услубиётлари**

Ўлчашларни бажариш услубиётлари ўлчаш натижаларининг аниқлик кўрсаткичларини баҳолашни ўз ичига олиши ва ўлчаш ўтказишнинг мавжуд шароитларида белгилаб қўйилган аниқликни таъминлаши керак. Ўлчашлар белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган ўлчашларни бажариш услубиётларига мувофиқ амалга оширилиши зарур.

Ўлчашларни бажариш услубиётларини метрологик аттестациядан ўтказиши ўлчашларни бажариш услубиётининг унга қўйиладиган метрология талабларига мувофиқлигини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида тадқиқотлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ўлчашларни бажариш услубиётларини ишлаб чиқиш ва метрологик аттестациядан ўтказиш тартиби маҳсус ваколатли давлат органи томонидан ўрнатилади.

### **4-боб. Давлат метрология текшируви ва назорати**

### **18-модда. Давлат метрология текшируви ва назоратини амалга ошириш**

Давлат метрология текшируви ва назорати давлат метрология хизмати

ти органлари томонидан метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан текшириш мақсадида амалга оширилади.

### **19-модда. Давлат метрология текшируви ва назорати объектлари**

Қўйидагилар давлат метрология текшируви ва назоратининг объектларидир:

- эталонлар;
- ўлчаш воситалари;
- синов воситалари;
- стандарт намуналар;
- ахборот-ўлчаш тизимлари;

ўрамларга қадоқланган товарларнинг уларни майдалаб қадоқлаш ва сотиш чоғидаги миқдори;

метрология нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа объекслар.

### **20-модда. Давлат метрология текшируви ва назорати татбиқ этиладиган соҳалар**

Давлат метрология текшируви ва назорати қўйидаги соҳаларда бажариладиган ўлчашларга нисбатан қўлланилади:

- соғликни сақлаш, ветеринария, атроф-мухитни муҳофаза қилиш;

- моддий бойликларни ва ёқилғи-энергетика ресурсларини хисобга олиш;
- солиқ, божхона, савдо-тижорат, почта ва телекоммуникация;

- захарли, тез алангланувчи, портловчи ва радиоактив моддаларни саклаш, ташиш ҳамда йўқ қилиб ташлаш;

- умумий овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, реализация қилиш ва ушбу соҳада хизматлар кўрсатиш;

- аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан химоя қилиш, ёнгин хавфсизлигини, сув объексларида инсонларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

- саноат хавфсизлигини таъминлаш;

- давлат мудофаасини таъминлаш;

- меҳнат хавфсизлигини ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

- сертификатлаштириладиган маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш;

- геодезик, картографик ва гидрометеорологик ишларни бажариш;

- ўлчаш воситаларини давлат синовидан, қиёслашдан, калибрлашдан, таъмирлаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш;

- фойдали қазилмаларни қазиб олиш;

- расмий спорт мусобақаларини ўтказиш;

- маҳсулот ва хизматлар мувофиқлигини баҳолаш бўйича ишларни бажариш.

Давлат метрология текшируви ва назорати қонун ҳужжатларига му-вофиқ фаолиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан ҳам қўлланилиши мум-кин.

### **21-модда. Давлат метрология текшируви**

Давлат метрология текшируви ва назорати объектларининг метроло-гик, техник тавсифларини аниқлаш ва (ёки) тасдиқлаш мақсадида давлат метрология текшируви амалга оширилади.

Давлат метрология текшируви:

ўлчаш воситаларининг турини тасдиқлаш мақсадида синовдан ўтка-зиш;

ўлчаш воситаларини ва ўлчашларни бажариш услубиётларини метро-логик аттестациядан ўтказиш;

ўлчаш воситаларини, шу жумладан эталонларни қиёслаш, калибрлаш; синов воситаларини аттестациядан ўтказиш.

### **22-модда. Давлат метрология назорати**

Давлат метрология назорати техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаси-даги норматив ҳужжатларнинг, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларининг метрологияга оид талабларга риоя этилиши устидан амалга оширилади.

Давлат метрология назорати:

ўлчаш воситаларининг (шу жумладан эталонлар, стандарт намуналар, ахборот-ўлчаш тизимлари) ишлаб чиқарилиши, таъмирланиши, прокатга берилиши, реализация қилиниши, уларнинг ҳолати ва қўлланилиши;

ўлчашларни бажариш услубиётларининг қўлланилиши;

белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилиши, шунингдек аккредитация қилинган метрология хизматлари, марказлари ва лабораториялари фаолияти;

ўрамларга қадоқланган товарларнинг уларни майдалаб қадоқлаш ва сотиш ҷоғидаги микдори устидан амалга оширилади.

Давлат метрология назоратини амалга оширувчи шахсларнинг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги қонун ҳужжатларида белги-ланади.

### **23-модда. Ўрамларга қадоқланган товарлар микдори устидан давлат метрология назорати**

Ўрамларга қадоқланган товарларнинг уларни майдалаб қадоқлаш ва сотиш ҷоғидаги микдори устидан давлат метрология назорати давлат метрология хизматининг ваколатли органлари томонидан ўтказилади.

Ўрамларга қадоқланган товарлар микдори устидан давлат метрология назорати ўрам таркибини ўрамни очмасдан ёки деформация қилмасдан ўзгартириш мумкин бўлмаган тақдирда, ўрамдаги товар микдорини кўрсатувчи масса, ҳажм, узунлик, майдон ёки бошқа катталиклар эса ўрамда белгиланган ҳолларда амалга оширилади.

Ўрамларга қадоқланган товарлар микдори устидан давлат метрология

назорати суюқ ҳолдаги қадоқланган товарлар учун истеъмол идиши сифа-тида фойдаланиладиган ўлчамли идишларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ўрамлардаги қадоқланган товарларнинг микдори устидан давлат метрология назорати текширув хари迪 орқали амалга оширилиши мумкин.

#### **24-модда. Ўлчаш воситаларининг турларини тасдиқлаш**

Ўлчаш воситаларининг турларини тасдиқлаш ўз ичига давлат синовларини ўтказиш орқали ўлчаш воситаларининг метрологик ва техник тавсифларини аниқлаш, ўлчаш воситаларининг метрология тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлигини белгилаш ҳамда ўлчаш воситаларининг турини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш бўйича ишларни олади.

Ўлчаш воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш ягона нусхаларда ишлаб чиқариладиган (ёки Ўзбекистон Республикаси худудига импорт бўйича ягона нусхаларда олиб кириладиган) ўлчаш воситаларининг хоссаларини тадқиқ этиш асосида улар қўллаш учун йўл қўйилишини эътироф этиш мақсадида давлат метрология хизмати томонидан амалга оширилади.

Ушбу Қонуннинг 20-моддасида кўрсатилган соҳаларда фойдаланиладиган, ишлаб чиқарилиши ва импорт бўйича олиб кирилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари давлат синовларидан ва турини тасдиқлашдан ёки метрологик аттестациядан ўтказилиши керак.

Ўлчаш воситаларининг давлат синовларини ўтказиш, турини тасдиқлаш ва Давлат реестрига киритиш маҳсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Тасдиқланган ўлчаш воситаларига ёки уларнинг фойдаланиш хужжатларига ишлаб чиқарувчи Давлат реестри белгисини қўйиши шарт.

#### **25-модда. Ўлчаш воситаларини қиёслаш**

Ўлчаш воситаларини қиёслаш аккредитация қилинган давлат метрология хизмати ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг аккредитация қилинган метрология хизматлари томонидан амалга оширилади.

Ўлчаш воситаларини қиёслаганда ўлчаш воситаларининг белгилаб қўйилган метрологик талабларга уларнинг мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш бажариладиган операциялар кетма-кетлигини белгиловчи ўлчаш воситаларини қиёслаш услубиёти асосида амалга оширилади.

Қиёслашдан ўтказилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхати маҳсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

#### **26-модда. Ўлчаш воситаларини калибрлаш**

Ўлчаш воситаларини калибрлаш аккредитация қилинган метрология хизматлари томонидан амалга оширилади.

Ўлчаш воситаларини калибрлашда ўлчаш воситасининг метрологик тавсифларини аниқлаш учун мўлжалланган ўлчаш воситаларини қиёслаш услубиётидан фойдаланилади.

Ушбу Қонун 20-моддаси биринчи қисмининг иккинчи — ўнинчи хатбошларида кўрсатилганидан бошқа соҳаларда қўлланиладиган ўлчаш воси-

талари уларни ишлаб чиқариш, реализация қилиш, ишлатиш, ижарага бе-риш ва таъмирлашда калибрлашдан ўтказилиши мумкин.

Аkkредитация қилинган метрология хизмати томонидан бажарилган ўлчаш воситаларини калибрлаш натижаларидан ўлчаш воситаларини қиёс-лашда фойдаланилиши мумкин.

Ўлчаш воситаларини калибрлаш бўйича давлат-хусусий шериклик асо-сида метрология хизматлари ташкил этилишига йўл кўйилади.

### **27-модда. Синов воситаларини аттестациядан ўтказиш**

Синов воситаларини аттестациядан ўтказиш уларнинг нормаланган тех-ник тавсифлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хуж-жатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Синов воситаларини аттестациядан ўтказиш аккредитация қилинган метрология хизматлари томонидан амалга оширилади.

Синов воситаларини аттестация қилишда синов воситаларининг норма-ланган техник тавсифлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги нор-матив хужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш имконини берувчи синов воситаларини аттестация қилиш услубиётидан фойдаланилади.

### **28-модда. Метрология хизматларини метрология ишларини ва хизматларини амалга ошириш хуқуқига эга бўлиш учун аккредитация қилиш**

Метрология хизматларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида-ги норматив хужжатларнинг метрологик экспертизасини, ушбу Конуннинг 20-моддасида назарда тутилган соҳаларда қўлланилиши ва фойдаланилиши мумкин бўлган ўлчаш воситаларини, синов воситаларини, ўлчашларни ба-жариш услубиётларини метрологик аттестациядан ўтказиш, синов восита-ларини аттестациядан ўтказиш, ўлчаш воситаларини қиёслаш, калибрлаш ва синашни амалга ошириш хуқуқига эга бўлиши учун аккредитация қилиш конун хужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларнинг метрологик экспертизасини, ушбу Конуннинг 20-моддасида назарда тутил-ган соҳаларда қўлланилиши ва фойдаланилиши мумкин бўлган ўлчаш во-ситаларининг, ўлчашларни бажариш услубиётларининг метрологик атtes-тациясини, синов воситаларининг аттестациясини, ўлчаш воситаларини қиёслашни, калибрлашни, синашни амалга оширувчи аккредитация қилин-ган метрология хизматлари фаолиятининг инспекция назорати қонун хуж-жатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

### **29-модда. Давлат метрология хизматини давлат томонидан молиялаштириш**

Давлат метрология хизматининг қўйидаги ишлари давлат томонидан молиялаштирилади:

метрологияга оид фаолият соҳасини ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш;

метрология бўйича халқаро, минтақавий ташкилотларнинг ишида иштирок этиш ва метрология бўйича чет эл миллий хизматлари билан ишлар бажариш;

метрологияга оид фаолият соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатларни ва норматив хужжатларни, шунингдек халқаро, минтақавий нормалар ҳамда қоидаларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқиша иштирок этиш;

метрологияга оид фаолият соҳаси бўйича умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ва бошқа ишларни ўтказиш;

эталонлар ва ўлчаш воситаларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, ясаш, сақлаш, қўллаш, олиш ҳамда асраш, шунингдек уларнинг халқаро даражада солиширилишини таъминлаш;

стандарт намуналарни ишлаб чиқиш;

давлат метрология назоратини ўтказиш.

### **30-модда. Метрология ишлари ва хизматлари учун ҳақ тўлаш**

Ўлчаш воситаларини синаш, турини тасдиқлаш, метрологик аттестациядан ўтказиш, қиёслаш ва калибрлаш, ўлчашларни бажариш услубиётлариши аттестациядан ўтказиш, техник жиҳатдан тартибга солиш ва ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш соҳасидаги норматив ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш, техник жиҳатдан асослилигини ҳамда белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига мувофиқлигини баҳолаш, ўлчашлар ва синовлар бажарилишининг сифатини баҳолашга доир метрология ишлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар, шунингдек метрологияга оид фаолиятнинг давлат томонидан молија-лаштириш соҳасига кирмайдиган бошқа турлари учун ҳақ тузиладиган шартномалар шартларига мувофиқ манфаатдор шахслар томонидан тўланади.

### **31-модда. Низоларни ҳал этиш**

Метрологияга оид фаолият соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

### **32-модда. Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбордor шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

## **138 Ўзбек тили байрами кунини белгилаш түғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 23 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 24 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** 21 октябрь Ўзбек тили байрами куни этиб белгилансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 10 апрель,  
ЎРҚ-615-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 апрелда эълон қилинган.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

### **139 Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тӯғрисида\***

Мамлакатимиизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугун хам сафларимизда туриб, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга хисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш хамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш максадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 000 000 (үн миллион) сўм миқдорида бир йўла пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги, Марказий банк, Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари билан биргалиқда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали топширилишини таъминласинлар.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 30 март,  
ПФ-5977-сон

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 марта эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**140 Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, айrim хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-кувватлаш мақсадида:

1. 2020 йил 31 декабрга қадар 1-иловага\* мувофиқ товарларни олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгилансин.

Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун олиб кириладиган хом ашё, материаллар, аксессуарлар ва бутловчи қисмларнинг нархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

2. Жорий йилнинг март — июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган болалари бўлган оиласларга нафака, бола парвариши бўйича нафака ва моддий ёрдамлар тўлаш уларни тўлашни янги муддатда давом эттириш тўғрисидаги ариза ҳамда бошқа хужжатларни талаб қилмаган ҳолда 6 ой муддатга (бироқ бола тегишлича 2 ёшга ва 14 ёшга тўлгунидан кўп бўлмаган муддатда) танаффусиз давом эттирилсин.

Белгилансинки, ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўлашни узайтириш билан боғлиқ ҳаражатлар Инқизозга қарши курашиш жамғармаси хисобидан қопланади.

3. Ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул таъминлаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларининг рўйхати карантин тадбирлари амал қилиши даврида бир марталик никоблар, антисептик воситалар ва бактерияга қарши совунлар жамланмаси билан тўлдирилсин.

4. Белгилансинки, 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар қўйидагилар:

а) туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар, «Uzbekistan Airways» АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари, «Uzbekistan Airports» АЖ ва «Ўзазронавигация маркази» ДУК:

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг молмулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинади;

ижтимоий солиқни камайтирилган ставкада 1 фоиз микдорида тўлайди;

---

\* Ушбу Фармон «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 3 апрелда эълон килинган.

\*\* 1-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон килинган.

б) товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмаси ойига 1 млрд сўмдан ошмайдиган ва электрон хисоб-фактураларни кўллайдиган қўшилган қиймат солиги тўловчилар ушбу солиқни ҳар чораклик асосда хисоблаш ва тўлаш ҳукуқига эга;

в) фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга, шу жумладан 2020 йил 1 апрелга қадар аниқланганларга нисбатан мол-мулк солиги ва ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш, шунингдек, кўрсатилган соликлар бўйича оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня хисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини қўриш тартиби тўхтатилади.

5. Карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олина-диган даромад солиги қатъий белгиланган суммасини ва ижтимоий соликни хисоблаш тўхтатилсин, бунда фаолиятни тўхтатганлик тўғрисида солик тўловчининг шахсий кабинети орқали давлат солик хизмати органлари хабардор қилинади ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувохномани топшириш талаб этилмайди.

6. Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўртacha ойлик микдорига нисбатан 50 фоиздан кўпроққа камайган микрофирма, кичик корхона ва якка тартибдаги тадбиркорларга солик органларини хабардор қилган ҳолда 2020 йил 1 октябрга қадар қўйидаги соликларни фоизсиз кечикириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳукуки тақдим этилсин:

маҳаллий давлат хокимиюти органларига ариза бермасдан туриб айланмадан олинадиган солик, мол-мулк солиги, ер солиги, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик бўйича — уларни кейинчалик 12 ой давомида тенг улушларда тўлаш шарти билан;

ижтимоий солик бўйича — уни кейинчалик 6 ой давомида тенг улушларда тўлаш шарти билан.

7. Жорий йилнинг охирига қадар спирт, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан вино ва пиво учун акциз солиги, шунингдек, бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғининг амалдаги ставкалари сақланиб қолинсан.

8. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахслар томонидан газ ва электр энергияси бўйича олдиндан ҳақ тўлаш тўғрисидаги мажбурий талаб 30 фоизгача пасайтирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан:

мажбурий захиралар бўйича талабларни енгиллаштириш ҳисобига тижорат банкларини 2,6 трлн сўм ҳажмидаги қўшимча ликвидлик ресурслари билан таъминлаш;

тижорат банкларига 3 йил муддатгача 2 трлн сўмгача микдорда ликвидлик тақдим этишнинг маҳсус механизмини жорий этиш бўйича кўрилаётган чоралар маъкуллансан.

10. Марказий банкнинг қўйидагилар тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сон Фармони ижроси доирасида юридик шахсларнинг кредитлари бўйича 7,9 трлн сўм ҳажмдаги қарздорлиги кечикирилган;

Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда коронавирусга қарши қурашиб бўйича кўрилаётган чоралар ва иқтисодий фаолликнинг кескин пасайиши сабабли молиявий қийинчиликларга дуч келган ташкилотларнинг кредитлари бўйича қўшимча реструктуризация қилинадиган тўловлар ҳажми қўшимча равишда 7 трлн сўмни ташкил этмоқда;

Жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан 2020 йилнинг навбатдаги 6 ойи мобайнида сўндирилиши лозим бўлган кредитлар бўйича муддати узайтириладиган тўловлар ҳажми 4,7 трлн сўмни ташкил этмоқда.

11. Марказий банк қўйидагилар учун шарт-шароитлар яратиш ва тартиб-таомилларни соддалаштириш чораларини кўрсинг:

тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган юридик ва жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловларга 2020 йил 1 октябрга қадар кечикириш тақдим этиш;

амалга киритилган карантин режими фаолиятига салбий таъсир кўрсатган қарздорларнинг муддати ўтиб кетган кредитларига гаров таъминоти бўйича жарима санкциялари ва ундирув чоралари қўлламаслик.

Белгилаб қўйилсанки, тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича ҳисобланган ва кечикирилган фоизлар суммаси кечикириш тақдим этилган даврда фойда солиfini ҳисоблашда жами даромад таркибиға киритилмайди.

12. Белгилансинки, 2020 йил 1 октябрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси томонидан:

лоихалар сонидан қатъи назар, ижобий кредит тарихига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг 75 фоизидан ошмаган, бироқ 10 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда кафиллик;

тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан миллий валютада берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда, тақдим этилади.

Битта қарз олувчига давлат жамғармаси томонидан бир вақтда ҳам кафиллик, ҳам компенсация беришга қўйилган чеклов бекор қилинсин.

13. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мазкур Фармон доирасида тўлов муддати кечикирилган кредитларни қайта молиялаштириш учун тижорат банкларига ажратилган ресурсларни сўндириш муддатларини узайтирсинг.

14. Молия вазирлиги манфаатдор тижорат банклари билан биргаликда мазкур Фармон доирасида муддати узайтирилган кредитлар бўйича берилган давлат кафолатларини қайта расмийлаштирсинг.

15. Белгилансинки:

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов чоралари туфайли молиявий қийинчилликларга дуч келган корхоналарга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларини қўллаш ва уларни банкрот деб эълон қилишга 2020 йил 1 октябргача бўлган муддатда мораторий жорий этилади;

мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларни 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик текширувидан ўтказиш муддати 2020 йил 1 октябргача узайтирилади;

акционерларнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишларини 2020 йил 1 октябргача муддатда, шунингдек, видеоконференцалоқа режимида ўтказишга рухсат берилади;

активларининг баланс киймати базавий ҳисоблаш микдорининг юз минг бараваридан ортиқ бўлган масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларни ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича талаб 2020 йил якунлари бўйича киритилади;

карантина олинган шахсларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни (карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бундан мустасно) тўлаш муддатлари карантин муддати тугагунга қадар узайтирилади;

2020 йил 1 октябргача дорихоналарда тайёрланадиган дори воситалири, тиббий буюмлар ва бошқа маҳсулотларни улгуржи сотишга рухсат берилади;

йил якунига қадар қарз берувчига фоиз шаклида даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз (кайтариб бериладиган молиявий кўмак) тақдим этилганда солиқ солиш мақсадида қайта молиялаш ставкаси (асосий ставка) асосида аниқланадиган даромад айланмадан олинадиган солик ҳамда фойда солиғини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмайди ва ўз навбатида солиққа тортилмайди;

карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўхтатилади;

фойда солиғини аввалги чорак якунлари асосида ҳисоблаш бўйича ўрнатилган талабларни бекор қилган ҳолда, ушбу солиқни тўловчилар 2020 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб, кутилаётган ҳажмлардан келиб чиқиб фойда солиғи бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш хуқуқига эга. Солиқ тўловчилар томонидан мазкур хуқуқни сунистехомол қилиш ҳолатлари аниқланганда давлат солик хизмати органларига фойда солиғи бўйича аванс тўловлар тўғрисида тақдим этилаётган маълумотномаларга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилади;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамасининг қарорларида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни солик солишдан бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шартларисиз қўллайди.

Инқирозга қарши курашиш бўйича республика комиссияси (А.Н. Арипов) ишлаб чиқариш фаолиятини давом эттираётган шахслар ўз ишчила-

рига шарт-шароитлар ташкил этиши устидан доимий мониторинг олиб бориш учун уларга санитария-эпидемиология хизматлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг бириктирилишини таъминлаган ҳолда, ушбу шахслар фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов тадбирлари сабабли бажарилмаган инвестиция мажбуриятлари муддатларини узайтириш чораларини кўрсин.

16. Белгилаб қўйилсинки:

коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тибиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари, шунингдек, улар фаолият кўрсатиши учун зарур товарлар 2020 йил 31 деқабргача муддатга божхона тўловларидан, шу жумладан қўшилган қиймат солигидан озод этилади;

коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича экспресс-тестларни олиб киришда улар учун божхона расмийлаштируви йифими ундирилмайди.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармонига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

18. Хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик тўлашни кечикириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш ишлари лозим даражада ташкил этилмаганилий давлат ҳокимияти органларига кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик тўлашни кечикириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини берилиши муносабати билан маҳаллий бюджетларининг олинмай қолинадиган даромадлари ўрни Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ҳар ойда қопланишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси бир хафта муддатда ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартибига оиласаларнинг ижтимоий нафақа олишга муҳтоҷлигини баҳолаш тартиб-таомилларини соддалаштиришга, шу жумладан қўйидагиларга қаратилган ўзгартиришларни киритсан:

ижтимоий нафақа олиш учун ариза билан бирга тақдим этиладиган хужжатларни камайтириш;

давлатнинг ижтимоий ёрдам чоралари ҳисобланувчи алоҳида трансфертларни оиласанинг жами даромадларидан чиқариб ташлаш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг худудий бўлинмалари ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамларнинг манзиллигини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда ишласин, шунингдек, ижтимоий ёрдамга ўта муҳтоҷ бўлган оиласарга ёрдам кўрсатиш учун тегишли кўмакларни жалб қилиш бўйича тезкорлик билан чоралар кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки хафта муддатда

«2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонун хужжатлари га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни киритсин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Кўчкоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 3 апрель,  
ПФ-5978-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги  
ПФ-5978-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил  
18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни  
соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-  
кувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизими-  
ни янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги  
ПФ-5938-сон Фармонига киритилаётган ўзгартиришлар**

28-бандида:

биринчи хатбошидаги «икки ой муддатда» сўзлари «2020 йил 1 декабр-  
гача» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳхирда баён этилсин:

«Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ва Бюджет ташкилот-  
ларининг моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси хисобидан 2020 йил  
1 июлдан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходим-  
ларининг лавозим маошига 30 фоиз қўшимча махсус устама тўлаш жорий  
этисин.»;

учинчи — бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**141      Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида\***

**[Кўчирма]**

Республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурсларига бўлган талабини тўлиқ қаноатлантириш, нефть-газ корхоналарини молиявий соғломлаштиришни таъминлаш, шунингдек, умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва энг яхши хорижий тажриба асосида тармоқда соғлом рақобат мухитини ривожлантириш учун куладай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки эксперталарини жалб қилган ҳолда қўйидагиларни:

Газ-транспорт тизимини 2030 йилгача ривожлантириш дастурининг бош режаси;

барча иштирокчиларга тенг кириш имкониятини таъминлаш ва нархни шакллантиришнинг шаффоф механизmlарини назарда тутган ҳолда электр энергияси ва табиий газнинг биржা савдолари асосидаги улгуржи бозорини яратиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

2. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда:

а) халқаро даражада тан олинган консалтинг ва аудиторлик компанияларини жалб қилган ҳолда:

2020 йил 1 июлга қадар тегишли идоралар билан биргаликда Нефть-газ тармоғи корхоналарининг операцион самарадорлигини яхшилаш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2020 йил 1 октябрга қадар нефть-газ тармоғидаги барча корхоналарда коррупцияга қарши «комплаенс-назорат» тизими жорий этилишини таъминласин;

б) 2020 йил 1 июня қадар юқори малакали хорижий эксперталар ва мутахассислар, шу жумладан хориждаги ватандошларни нефть-газ тармоғи корхоналарига ишга ёллаш тўғрисидаги таклифларни, уларни танлаб олиш, қўйиладиган малака талаблари, функционал мажбуриятлар, жалб қилиш муддати ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳажмларини кўрсатган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

---

\* Ушбу карор «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 апрелда эълон қилинган.

3. Лицензиялар ва рухсат берувчи хужжатларни макбуллаштириш бўйича идораларо ишли гурухи (Р. Давлетов) «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда нефть-газ тармоғидаги фаолият турларини лицензиялашни такомиллаштириш ва соддалаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Иктисадий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Агентликнинг қўйидагилар тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) устав жамғармасида давлат улушкини ошириш ҳисобига қўйидагиларни капитализациялаш:

«Ўзбекнефтгаз» АЖга иловага\* мувофиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун аввал ажратилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) кредитлари бўйича 2020 йил 1 апрель ҳолатига «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг асосий қарзи ва ҳисобланган фоизларни;

капитализацияланган маблағларни кейинчалик «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ устав жамғармасини оширишга ўйналтирган ҳолда, «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖга «Ангрен» ЭИЗ худудида конвейер ленталари, қишлоқ хўялиги ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳасини амалга ошириш учун аввал ажратилган Жамғарма кредитлари бўйича 2020 йил 1 апрель ҳолатига «Ўзкимёсаноат» АЖнинг асосий қарзи ва ҳисобланган фоизларни;

б) 2017 — 2021 йилларда углеводород хом ашёси қазиб чиқаришни кўпайтириш дастурини молиялаштиришни давом эттириш мақсадида Ипак йўли жамғармаси (XXP) ва хорижий тижорат банкларининг 250 млн АҚШ доллари миқдоридаги, шунингдек, экспорт-кредит агентликлари ҳисобидан 400 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини жалб қилиш.

5. Агентлик Жамғарма, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзкимёсаноат» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда кўшимча акцияларни жойлаштириш ва кредит шартномаларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш йўли билан «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзкимёсаноат» АЖ устав жамғармаларида давлат улушкини ошириш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги мазкур қарорда назарда тутилган қўшимча акцияларни чиқаришнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига 2017 — 2021 йилларда углеводород хом ашёси қазиб чиқаришни кўпайтириш дастурини молиялаштириш учун жалб қилинадиган 250 млн АҚШ доллари эквивалентидаги кредитлар бўйича «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг Ипак йўли жамғармаси (XXP) ва хорижий тижорат банклари олдидаги мажбуриятлари юзасидан давлат кафолатларини белгиланган тартибда бериш ваколати тақдим этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» АЖ билан биргаликда 2020 йил

\* Илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

1 июня қадар 2017 — 2021 йилларда углеводород хом ашёси қазиб чиқарышни кўпайтириш дастурини молиялашириш учун Ипак йўли жамғармаси (ХХР) ва хорижий тижорат банкларининг кредитлари, шунингдек, экспорт-кредит агентликларининг ёрдами жалб этилишини таъминласин.

8. Белгилансинки, 2020 йил 1 майдан бошлаб:

Аи-80 маркали автомобиль бензини ва дизель ёқилфиси (шу жумладан ЭКО маркали дизель ёқилфиси) чакана нархларини давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинади;

нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан Аи-80 маркали автомобиль бензини ва дизель ёқилфисини (шу жумладан ЭКО маркали дизель ёқилфисини) сотиш фақат биржа савдолари орқали амалга оширилади;

бюджет ташкилотлари, пахта хом ашёси ва фалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ, майший чиқиндилярни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизель ёқилфиси (шу жумладан ЭКО маркали дизель ёқилфиси) ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртacha биржа нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар асосида, шунингдек, уларга нефтни қайта ишлаш заводларидан нефть маҳсулотларини биржа савдолари орқали харид қилиш хукукини тақдим этган ҳолда сотилади;

нефтни қайта ишлаш заводлари «Ўзбекнефтгаз» АЖ нефть базаларининг буюртманомаларига кўра мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида кўрсатиб ўтилган истеъмолчиларга сотилган дизель ёқилфиси (шу жумладан ЭКО маркали дизель ёқилфиси) ҳажми учун «Ўзбекнефтгаз» АЖ томонидан белгиланадиган чегирмани тақдим этади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси 2020 йил 1 майдан бошлаб:

нархларни жаҳон биржаларидаги Brent нефти котировкаларига боғлаб кўйган ҳолда, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Шўртан ГКК» МЧЖ томонидан сотиладиган нефть ва газ конденсати учун янги ички тармоқ нархлари;

нефть маҳсулотлари ва углеводородларни импорт қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига нефть маҳсулотлари ва углеводородларни нефть базаларининг бўш сифимларида сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун тарифлар белгиланишини таъминласин.

12. Қўйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

юридик шахслар, шу жумладан «Ўзбекнефтгаз» АЖ нефть базалари томонидан нефть маҳсулотларини қайта сотиш учун нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш якуний истеъмолчига сотилганда тўланиши лозим бўлган акциз солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда амалга оширилади. Бунда, ушбу юридик шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадиган нефть маҳсулотлари ҳажми қисмида акциз солиғи белгиланган тартибда тўланади;

табиий газ қазиб олувчи ташкилотлар томонидан газни қайта ишлаш ва уни утилизация қилиш ташкилотларига сотиладиган табиий газ ҳажми якуний истеъмолчига реализация қилинадиган ҳажм сифатида кўрилмайди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон қарори 2-банди «б» кичик бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринbosари Ж.А. Кўчкоров ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 4 апрель,  
ПҚ-4664-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

## **142 Тамаки маҳсулотлари бозорини янада тартибга солиши чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнгги пайтларда тамаки маҳсулотлари айланмасини тартибга солиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, бироқ амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, тамаки маҳсулотларининг акциз солиғи солинмайдиган янги турларини олиб кириш тенденцияси кузатилмоқда.

Хусусан, қиздириладиган тамаки маҳсулотлари ва таркибида никотин мавжуд суюқликлар оммалашиб кетмоқда.

Қиздириладиган тамаки маҳсулотлари, чекиладиган, чайналадиган, хидланадиган, шимиладиган (снюс) ва чилим учун тамакига, таркибида никотин мавжуд суюқликларга талаб ортаётганлигини инобатга олган ҳолда, шунингдек, аҳолини тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 апрелда эълон қилинган.

оқибатларидан ҳимоя қилиш, уларнинг ноқонуний савдосини олдини олиш мақсадида:

1. 2020 йил 1 июндан импорт қилинадиган қиздириладиган тамаки маҳсулотлари, чекиладиган, чайналадиган, хидланадиган, шимиладиган (снюс), чилим учун тамаки, никотинли тамакисиз снюс, таркибида никотин мавжуд суюқликларга акциз солиғи киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига тамаки, чилим, электрон сигаретлар, қиздириладиган тамаки маҳсулотлари, таркибида никотин мавжуд маҳсулотлар айланмасини тартибга солиши назарда тутивчи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг киритилиши таъминлансин.

3. 2020 йил 1 июндан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига иловага\* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги «Алоҳида турдаги товарларни маркировкалашнинг замонавий усулларини жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4042-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирун.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 6 апрель,  
ПҚ-4665-сон

---

\* Илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**143 Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва  
узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги  
тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Тиббий-санитария ходимларини касбий ривожлантириш тизимини яхшилаш, соҳада етук ва чуқур билимга эга кадрларни замонавий таълим стандартлари асосида тайёрлаш, тиббиёт ташкилотлари, айниқса бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш, тиббиёт таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мавқенини ошириш, шунингдек, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув ўилидан бошлаб 1-иловага\*\* мувофиқ 47 та тиббиёт коллежларини Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи Комплекс дастурни ишлаб чиқсан ва тасдиқласин ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминласин:

Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг моддий-техник базасини янада кучайтириш, амалиёт хоналарини белгилangan нормативларга асосан жиҳозлаш, ўқув-симуляцион аудиторияларни ташкил этиш;

валеология, тиббий психология, нутрициология, диетология, фармакология, кинезиология, реабилитология, профпатология фанларини чукурлаштирилган ҳолда ўқитилишини жорий этиш ҳамда мазкур техникумларнинг ўқув режалари ва фан дастурларини илғор хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқиш;

тиббиёт олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларини:

муваффакиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос тиббиёт

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз якка тартибдаги сұхбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом эттириш хукуқига эга бўлади;

жорий саклаш, фаолият юритиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошка манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Белгилансинки, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

а) тиббиёт олий таълим муассасаларининг даволаш (амалиёт) ишлари проректорлари (директор ўринбосарлари) бир вактнинг ўзида ушбу олий таълим муассаса клиникаларининг бош шифокорлари ҳисобланади;

б) тиббиёт олий таълим муассасаларида:

бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура ва клиник ординатура (резидентура) мутахассисликлари ўқув режаларида мутахассисликка оид бўлмаган фанлар улуши 2 баробарга қисқартирилади;

клиник ординатурасига (резидентурасига) мақсадли қабул қилинган талабаларнинг битирув курсини вилоят даражасидаги тиббиёт муассасаларида ташкил этиш тизими йўлга қўйилади;

в) ҳудудларнинг шифокорларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқкан холда тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриатнинг «Даволаш иши», «Педиатрия иши» ва «Касбий таълим (даволаш иши)» таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари доирасидаги мақсадли қабул параметрлари туман (шахар)лар кесимида шакллантирилади;

г) тиббиёт олий таълим муассасалари «Даволаш иши», «Педиатрия иши» ва «Касбий таълим (даволаш иши)» йўналишлари битирувчилари яшаш бўйича рўйхатга олинган жойидан қатъи назар давлат гранти асосида мақсадли қабул параметрларида кўрсатилган туман (шахар)да камида 5 йил ишлаб бериш мажбурияти киритилади.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур банднинг «в» ва «г» кичик бандларида кўрсатилган таклифларни амалга ошириш механизmlарини назарда тутувчи норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Вазирлик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилида тиббиёт олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда тиббиёт кадрларига эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун бакалавриат ва магистратурага давлат гранти асосида ўқишга мақсадли қабул параметрларини 50 фоизгача оширишни инобатга олсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

---

\* 2-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

а) таълим босқичидан қатъи назар 2-иловага\* мувофиқ чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги халқаро сертификатга эга бўлган тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларига (мутахассислик фанларни «қоникарли» баҳога ўзлаштираётган талабалардан ташқари) Талабаларни рафбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойлик стипендиясига базавий стипендия микдорида қўшимча тўлов амалга оширилади;

б) давлат тиббиёт муассасаларининг халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингидаги тиббиёт йўналишида биринчи 200 ўринни эгаллаган олий таълим муассасаларида клиник ординатура (резидентура) ва магистратура мутахассислигини тамомлаган, шунингдек, фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олган ходимлари лавозим маошига қўйидаги микдорда ҳар ойлик қўшимча устама тўланади:

клиник ординатура (резидентура) ва магистратура мутахассислигини тамомлаган ходимга — меҳнатга ҳақ тўлашни энг кам микдорининг етти бараварига тенг микдорда;

фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олган ходимга — меҳнатга ҳақ тўлашни энг кам микдорининг ўн беш бараварига тенг микдорда.

Мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан биргаликда:

а) уч ой муддатда жамоат саломатлиги ва санитария-эпидемиология назорати хизматлари соҳасида олий маълумотли кадрларни тайёрлаш бўйича алоҳида тиббиёт олий таълим муассасасини ташкил қилиш ва ўқув жараёнини 2020/2021 ўқув йилидан бошлишни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2021 йил 1 январга қадар:

Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети ҳамда Туркия Бахчишехир университетининг филиаллари ва клиникаларини Ўзбекистонда ташкил этиш юзасидан;

мамлакатимиздаги тиббиёт олий таълим муассасаларида халқаро рейтингларга кирувчи нуфузли хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида халқаро факультетлар, шунингдек, филиалларни очиш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Вазирлик Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер ва Акфа университетларини жалб қилган холда ушбу университетлар ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳаси учун менежер мутахассисларни (Master of Healthcare Administration)

тайёрлаш бўйича магистрлик йўналишини жорий қилиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширасин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020/2021 ўқув ўилида соғлиқни сақлаш соҳаси учун 20 нафар менежер мутахассисларни магистрлик йўналиши бўйича давлат гранти асосида тайёрлаш билан боғлиқ харатжатларни қоплаш чораларини кўрсинг.

7. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 августга кадар мутахассислик йўналишларида асосий ҳисобланган халқаро тан олинган муаллифларнинг адабиётлари, шунингдек, профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усуllibарини қўллаш бўйича хорижий дарсликларни муаллифлик ҳукуқлар талабларига риоя қилган холда белгиланган тартибда ўзбек тилига таржима қилиш асосида тибиёт олий таълим муассасаларининг бақалавриат, магистратура ва клиник ординатура ўқув дастурларини қайта кўриб чиқсин.

Бунда ушбу тадбирларни молиялаштириш Вазирлик ва тибиёт олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Вазирлик ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 сентябрдан Нукус, Андикон, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида жойлашган тибиёт олий таълим муассасаларида белгиланган тартибда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

#### 9. Вазирликнинг:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтини Тибиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта ташкил этиш;

Тошкент шаҳридаги 1-сон Республика клиник шифохонаси негизида Марказнинг кўп тармоқли клиникасини тузиш;

тибиёт олий таълим муассасалари мавжуд бўлмаган худудларда (Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларида) худудий кўп тармоқли тибиёт марказларида Марказнинг филиалларини очиш;

Марказда 2021 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари ҳисобидан халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув-симуляциян марказини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсан.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тибиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази тузилмаси З-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

#### Белгилансинки:

Марказ Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг барча

---

\* З-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хукуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича хукуқий вориси хисобланади;

Марказнинг кўп тармоқли клиникаси муассиси Марказ хисобланади ҳамда унинг фаолияти Марказ томонидан мувофиқлаштирилади;

Марказ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари бир вақтнинг ўзида Марказнинг кўп тармоқли клиникаси бош шифокори хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Марказ фаолиятини ташкил қилиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

11. Узлуксиз касбий тиббиёт таълимида тўпланадиган кредитлар ҳажми 4-иловага\* мувофиқ белгилансин.

12. Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз касбий малакасини ошириш тизимида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб аккредитациядан ўтмасдан, Вазирлик томонидан ҳар йили тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида ўқитиш хукуки қўйидаги муассаса ва ташкилотларга тақдим этилсин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари хисобидан ва пуллик асосда — республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги илмий-тадқикот институтлари ва ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

пуллик асосда — нодавлат тиббиёт олий таълим муассасалари ҳамда тегишли тиббий-санитария мутахассисликлар бўйича ўқув-симуляцион маркази (шу жумладан мобил ўқув-симуляцион марказ) ва илмий даражага эга мутахассислари мавжуд бўлган хусусий тиббиёт ташкилотлари.

Белгилансинки, туман (шахар) тиббиёт бирлашмалари, шу жумладан бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари ходимларининг узлуксиз касбий малакасини ошириш мазкур бандда белгиланган муассаса ва ташкилотлар томонидан жойларда ташкил этиладиган сайёр цикллар ва масоғдан туриб ўқитиш асосида амалга оширилади.

Вазирлик узлуксиз касбий малака ошириш тизимида тиббиёт ходимларини ўқитиш билан шуғулланадиган ташкилотларга юкори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда маҳсус ўқув курсларини ташкил қилишда яқиндан кўмаклашсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

шифокорлар учун ҳар 5 йилда малака тоифасини олиш бўйича мажбурий аттестациядан ўтиш тартиби киритилади ҳамда уларга қулайлик яратиш ва шаффофф ўтказилишини таъминлаш учун аттестацияни онлайн тартибда аудио ва видеокузатув остида ташкил этиш тизими жорий этилади;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларини аттестациядан ўтказиш учун тўлов бекор қилинади.

14. Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрлари учун малака оширишни назарда тутувчи узлуксиз касбий таълим тизимини жорий этган тиббиёт

\* 4-и洛ва «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

олий таълим муассасалари (шу жумладан нодавлат тиббиёт олий таълим муассасалари), республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари, илмий-тадқиқот институтлари, худудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари га малака оширишдан муваффақиятли ўтган мутахассисларга ўтилган ўқиш кредитлари кўрсатилган ҳолда Вазирлик томонидан белгиланадиган намунадаги сертификат расмийлаштириш ҳуқуки берилсин.

15. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 7 апрель,  
ПҚ-4666-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

## **144 2020 — 2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижти- моий-иктисодий ривожлантириш тўғрисида\***

Бугунги кунда Республикамиз худудларида маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини чукур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий саноат корхоналарини ташкил этиш, худудларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун инвестицияларни кенг жалб қилиш муҳим ўрин тутмоқда.

Тарихдан маълумки, хозирги Денов тумани худудида жойлашган кўхна Чарониён қадимги даврлардан бўён йирик иктисодий-маданий марказ сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу ерда турли халқлар ўртасида мада-

---

\* Ушбу карор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 9 апрелда эълон қилинган.

ний-иктисодий алоқалар жадал ривожланган, савдо-сотик, хунармандчилик, дәхқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенг йўлга кўйилган.

Ўтган йиллар давомида Сурхондарё вилоятининг Денов туманини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган бўлса-да, аҳоли учун долзарб бўлган муаммоли масалалар тўлиқ ҳал этилмаяпти.

Вилоятнинг энг кўп ахолиси истиқомат қилаётган Денов туманининг Бош режасига ўз вақтида урбанизация нуқтаи назаридан ёндашилмаганлиги сабабли айрим йирик саноат корхоналари, дәхқон ва буюм бозорлари туман маркази Денов шаҳрида жойлаштирилган. Натижада аҳоли энг гавжум бўладиган мазкур худудларга кириш ва чиқиш учун йўлларнинг торлиги, автомобиллар учун тўхташ жойлари ва инфратузилма тармоқлари етарли эмаслиги жиддий муаммолар туғдирмоқда. Айниқса, шаҳардаги дехқон бозори атрофи бутунлай издан чиқкан ва ахолига жуда катта ноқулайликлар келтириб чиқармоқда.

Туманда ишлаб чиқариши диверсификация қилиш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қулай агробизнес мухитини ҳамда кооперация муносабатларини ривожлантириш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш талаб этилади.

Денов туманининг ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланган ҳолда, худудда узок йиллар давомида шаклланган хунармандчилик ва тадбиркорлик, саноат, туризм, хизмат кўрсатиш ва аграр соҳани ривожлантириш, туман марказининг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш, унинг тарихий қисмини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. 2020 — 2022 йилларда Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастурининг (кейинги ўринларда — Дастур) мақсадли параметрлари ва молиялаштириш манбалари 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Дастурни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишлари этиб куйидагилар белгилансин:

туманинг Бош режасини танқидий ўрганиб, йўл-транспорт инфратузилмаси, шоҳ кўчалар, кўп қаватли уйлар қурилиши, истироҳат боғлари, сайдилгоҳлар, замонавий савдо марказлари, инфратузилма обьектлари ва саноат зоналарини жойлаштириш масалаларини мухандислик тармоқлари билан биргаликда кўриб чиқиб, таклифларни тайёрлаш ҳамда яқин ва ўрта истиқболдаги шаҳарсозлик вазифаларини белгилаб олиш;

туман марказининг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш, тарихий қисмини реконструкция қилиш, кўп қаватли уй-жой фондини сифат жиҳатдан яхшилаш, коммунал хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;

ахолининг иш билан бандлигини ошириш ҳамда ишсизлик даражасини пасайтириш мақсадида тадбиркорларни жалб этган ҳолда, саноат ва хиз-

\* 1-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мат кўрсатиш соҳаларини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармогини жадал ривожлантириш;

саноат тармоқларини ривожлантириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш хажмларини кескин ошириш, маҳаллий хом ашёдан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали туман иктиносидиётига валюта тушумини кўпайтириш борасида самарали ишларни ташкил этиш;

муҳандислик-коммуникация, хусусан, ичимлик суви ва канализация тармоқларини қуриш, автомобиль йўллари ва ички кўчалар ҳолатини яхшилаш, туман марказидаги масивларда замонавий тунги ёритиш ускуналари ва чироқларини ўрнатиш;

ички ва туманлараро йўналишларда ҳаракатланувчи жамоат транспортининг янги йўналишларини очиб, ахолига сифатли ва қулай транспорт хизматлари кўрсатишни ташкил этиш;

олий таълим хизматлари кўрсатиш сифати ва қўламини кенгайтириш, замонавий техника ва технологияларнинг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, тадбиркорлик, технологиялар, рақамли иктиносидиёт ҳамда меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган бошқа соҳалар бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

ижтимоий соҳа муассасалари ҳолатини яхшилаш, биноларини таъмирлаш, жиҳозларини янгилаш, худудларини ободонлаштириш, мутахассислар малакасини ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ҳамда бу соҳада хусусий сектор улушкини кўпайтириш;

замонавий тиббий хизмат кўрсатиш клиникалари ва ташхис марказларини барпо этиш;

сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни жадал ривожлантириш;

солиққа тортиш базасини кенгайтириш орқали маҳаллий бюджетга даромадлар тушумини ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Дастурни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишларини инобатга олган ҳолда, 2020 — 2022 йилларда Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иктиносидиёт ривожлантириш дастурининг мақсадли параметрлари ва молиялаштириш манбалари асосида «2020 — 2022 йилларда Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иктиносидиёт ривожлантириш чора-тадбирларининг манзилли дастури»ни ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

4. 2020 — 2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иктиносидиёт ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича Республика ишчи гурухи (кеёнинг ўринларда — Республика ишчи гурухи) таркиби 2-иловага<sup>\*</sup> мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ишчи гурухининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

---

\* 2-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Дастур доирасида ҳар бир лойиҳанинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишини масъул раҳбарлар иштирокида таъминлаш;

Дастур доирасида белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши бўйича мониторинг олиб бориш, лойиҳаларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни бартараф этиш юзасидан тезкор ва амалий чоралар кўриш;

Дастурга киритилган лойиҳаларнинг бажарилишини мунтазам равишида ҳар ойда бир марта Денов туманида, ҳар чоракда бир марта Республика даражасида муҳокама қилиб бориш ва муаммоли лойиҳалар ечими юзасидан зарур ва тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш;

тумандаги камбағалликка оид реал ахволни ўрганиш, камбағалликни қисқартириш ва бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш;

Дастур доирасида тадбиркорлик субъектларига инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда Денов тумани ва унинг марказида шахарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ажратиладиган ер майдонларини белгилаш, туман марказини кенгайтириш билан боғлик масалаларни кўриб чиқиш;

заруратга кўра, лойиҳаларнинг қиймати ва иш ўринлари сонини саклаб қолиш шарти билан ҳамда тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда, Дастурнинг манзилли рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши.

5. Дастурда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, шу жумладан, туман марказининг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш, йирик саноат корхоналарини туман марказидан ташқарига кўчириш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Денов тумани ҳокимлиги тузилмасида Денов шаҳрини комплекс ривожлантириш масалалари бўйича ҳокимнинг биринчи ўринbosари лавозими жорий этилсин.

Денов тумани ҳокимлиги бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси З-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Денов туманининг Бош режасига мувофиқ туман марказида жойлашган дехқон бозори ва унинг атрофидаги хизмат кўрсатиш обьектларини амалдаги тартиб асосида қуриладиган замонавий бозорга кўчириш билан боғлик ташкилий масалаларни ўрганиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклиф киритсан.

7. Денов тумани ҳокимлиги Республика ишли гурухи билан келишган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан, савдо, ижтимоий-маишӣ хизмат кўрсатиш обьектларини қуриш ҳамда туман марказида шахарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ер участкасидан доимий фойдаланиш хукуқини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

\* З-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Денов туманида ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун электрон онлайн-аукцион орқали сотишдан тушадиган барча маблағлар (туман курилиш бўлимининг банк хисоб рақамига тушадиган маблағлар бундан мустасно), истисно тариқасида, туман маҳаллий бюджетига Дастур доирасида Денов шаҳрида амалга ошириладиган инфратузилма лойихаларини молиялаштириш учун йўналтирилади.

9. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Курилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Денов марказидаги йирик саноат корхоналарини хатловдан ўтказсин ва хатлов натижаларига кўра, уларни зарур иқтисодий хисоб-китоблар асосида туман марказидан кўчириш масаласи бўйича Вазирлар Маҳкамасига таълиф киритсин;

б) Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Курилиш вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда, Денов тумани марказидаги «Нурли манзил» маҳалласи худудида жойлашган собик «Пиво-консерва ишлаб чиқариш заводи» бино ва иншоотлари ўрнида замонавий кўп қаватли уй-жойлар куриш чораларини кўрсинг;

в) Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда келишилган лойихалар асосида Денов туманидаги «Хожа Алоуддин Аттор» меъморий обидасини таъмирлаш ва ободонлаштириш ҳамда «Сайд-Оталиқ» мадрасаси мажмуасини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширсинг;

г) Курилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Мусулмонлар идораси билан биргаликда тумандаги марказий жоме масжидини туман марказидан ташқарига кўчириш бўйича таклиф тайёрласинг;

д) Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда Денов шаҳрига кириш қисмида курилаётган янги бозорга туташ худудда шаҳарнинг Бош режасига асосан 4р-108 «Денов айланма йўли» ва М-41 «Бишкек-Термиз-Душанбе» автомобиль йўлини боғловчи темир йўл устидан ўтувчи ҳамда Денов тумани марказидаги «Гулистон» ва «Лолазор» маҳаллаларини боғловчи Қизилсув дарёси устидан ўтувчи янги кўпприк курилишини таъминласинг;

е) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги билан биргаликда:

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимлик органлари томонидан Дастур доирасидаги чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таҳлил қилиб борсинг ва мувофиқлаштирсинг;

Дастурнинг барча параметрлари бажарилиши бўйича мониторинг олиб борилишини ташкил этсинг ва ҳар ойда тизимли равишда муаммоли масалаларни кўриб чиқиб, уларни ҳал этиш юзасидан тезкор амалий чоралар кўрсинг;

ж) Дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Республика Ишчи гурухига ахборот киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар Денов туманида мавжуд бўш турган бино ва иншоотлар негизида «Ишга марҳамат» мономаркази ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил этиб, уларда биринчи навбатда ишсизлар ва камбағал оиласлар аъзоларининг тадбиркорлик асослари бўйича ҳамда касбга ўқитилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги:

Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда ахолининг бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида 2020 йил 1 июля қадар камида 3 та кичик саноат зонасини белгиланган тартибда ташкил этсин ва тегишли инфратузилма билан таъминласин;

Махалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Денов туманидаги ўртача камбағаллик даражасига нисбатан ушбу кўрсаткич юкори бўлган махаллаларга алоҳида эътибор берган ҳолда, аҳолини фаол тадбиркорликка ва меҳнатга жалб қилиш асосида камбағалликдан чиқариш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиб, унинг ижросини амалга оширасин;

Денов туманида ичимлик сув таъминотини яхшилаш, ички йўллар, мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда кичик саноат зоналарига коммуникация тармоқларини ўтказиш мақсадида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси хисобидан 50 млрд сўм маблағлар йўналтирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги:

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда агротуризм йўналишини ривожлантириш мақсадида икки ой муддатда тумандаги мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи фермер ҳўжаликлари ва кластерлар томонидан туристларни қабул қилишга мўлжалланган оиласи мөхмон уйларини ташкил қилиш;

икки ой муддатда «Ўзбекистон туризм магистрали» туризм транспорт коридорида барпо этилаётган обьектлар лойиҳаси асосида туманда автомагистраль йўли бўйлаб туризм хизматларини йўлга қўйишни кўзда тутувчи йўлбўйи инфратузилма обьекти мажмуасини ташкил этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан бир-

галикда уч ой муддатда Денов туманида тибиёт туризмини ривожлантириш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида маҳаллий аҳоли билан бир қаторда қўшни давлатлар фуқароларини қабул қилишга ихтисослашган диагностика маркази, стационар даволаниш, жойлаштириш воситалари, овқатланиш пунктлари, автотураргоҳ, дам олиш жойлари ва бошқаларни ўз ичига олуви чиқариш ташкил қилиш чораларини кўрсинг.

14. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда аҳолини электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ, ичимлик сув ва канализация тизими билан таъминлаш бўйича муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, Дастур доирасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари асосида ишлаб чиқариш корхоналарининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига ўз вақтида уланишини ҳамда уларга мавжуд ресурс ва техник имкониятлардан келиб чиқиб, талаб этиладиган табиий газ ва электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш чораларини кўрсинг.

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Дастур доирасида амалга ошириладиган марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йилги Инвестиция дастурининг 2020 йил учун тасдиқланган параметрлари доирасида амалга оширсин ҳамда келгуси йиллар учун асосий кўрсаткичларни аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда, Инвестиция дастурини шакллантириш жараённида инобатга олсин.

16. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги:

тегишли давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ҳамда лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда бир ой муддатда Дастурдаги кўрсаткичлардан келиб чиқсан ҳолда, тармоқ жадваларини ишлаб чиқиб, тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси билан биргаликда Денов тумани марказидаги Шароф Рашидов ва Мустақиллик кўчалари ёқасида белгиланган масофа-ларда шаҳарсозлик талаблари асосида замонавий «ақлли бекат»лар курилишини;

ҳар чорак якунига кўра Дастурдаги тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича масъул ижрочилар фаолиятининг натижадорлиги ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилояти ва Денов тумани Кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилинишини ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й.

**144-модда**

**— 44 —**

**13-14 (929-930)-сон**

ликаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов ва Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 9 апрель,  
ПҚ-4667-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

### **145 Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ норматив-хуқуқий ҳужжатларда гендер тенгликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг гендер-хуқуқий экспертизаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Инсон хуқуqlари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан биргаликда норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказадиган давлат органлари ва бошқа ташкилотларда гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича амалий семинарларни мунтазам ташкил этсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 30 март,  
192-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 марта эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 30 марта даги 192-сон қарорига  
ИЛОВА

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг  
лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**гендер-ҳуқуқий экспертиза** — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш;

**юридик хизмат** — давлат органи ва ташкилоти фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим;

**жинс бўйича бевосита камситиш** — жамият ҳаёти ва фаолиятнинг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оиласвий ҳолати, ҳомиладорлиги, оиласвий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек, шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш;

**жинс бўйича билвосита камситиш** — бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарифиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талабларни белгилаш;

**адлия органлари** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, туман (шаҳар) адлия бўлимлари.

3. Жинсий мансублигидан қатъи назар, шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, имкониятлари ва жавобгарликларини белгилашда юзага келиши мумкин бўлган номутаносибликларни бартараф этиш мақсадида жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳалари, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

4. Норматив-хукукий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-хукукий экспертизаси:

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-хукукий ҳужжатни ёки унинг лойиҳасини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига (кейинги ўринларда — гендер тенглик принциплари) мувофиқ эмаслигини аниқлашга;

жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга;

норматив-хукукий ҳужжатларни қўллаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ва камситиш хусусиятига эга хавфларни аниқлашга;

жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситишга йўл қўядиган ва аниқланган нормаларни бартараф этишга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқишига қаратилгандир.

5. Норматив-хукукий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари гендер-хукукий экспертизасининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

гендер соҳасидаги норматив-хукукий тартибга солиши билан боғлиқ ҳамда қабул қилинадиган қарорларнинг асослилигини ва ишончлилигини таъминловчи объектив фактларни белгилаш;

норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳалари қабул қилинишининг юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини инсон хукуқлари ва гендер тенгликка риоя этиш, шунингдек, амалда қўллаш механизmlарини кафолатлаш ва таъминлаш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва баҳолаш;

норматив-хукукий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларидаги қоидаларнинг гендер тенглик принципларига салбий таъсирининг олдини олиш (огоҳлантириш);

гендер тенгликни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

гендер-хукукий экспертиза соҳасида маҳсус билимларни талаб қиласиган масалаларни тушунтириш.

6. Норматив-хукукий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-хукукий экспертизаси қўйидаги асосий принципларни хисобга олган ҳолда ўтказилади:

**гендер-хукукий экспертизани ўтказишининг мажбурийлиги** — жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини тартибга солувчи норматив-хукукий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини ҳеч қандай мустасносиз гендер-хукукий экспертизадан ўтказиш;

**қонунийлик** — норматив-хукукий ҳужжатлар нормалари ва уларнинг лойиҳаларининг қоидаларини юқори юридик кучга эга бўлган норматив-хукукий ҳужжатларга мувофиқлигини таъминлаш;

**мустақиллик** — гендер-хукукий экспертизани лойиҳа ишлаб чиқувчи таркибий бўлинма бўйсунувида бўлмаган ва бевосита норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасининг ишлаб чиқилишида қатнашмаган экспертлар томонидан ўтказиш;

**холислик** — гендер-хуқуқий экспертизани холис, қонунчилик, назарий ва амалий асосга таяниб, тегишли мутахассислик доирасида ҳар томонлама ва тўлиқ ўтказиш;

**комплекслик** — эксперт томонидан гендер-хуқуқий экспертизани норматив-хуқуқий ҳужжат ва унинг лойиҳасининг барча қисмларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш.

## **2-боб. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг гендер-хуқуқий экспертизаси**

7. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг гендер-хуқуқий экспертизаси давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг (кейинги ўринларда — давлат органлари) таклифларига асосан ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳар уч йилда бир маротаба йилнинг I чорагида тасдиқланадиган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг гендер-хуқуқий экспертизасини ўтказиш режасига (кейинги ўринларда — режа) мувофиқ давлат органлари томонидан улар фаолиятининг тегишли ўйналишлари асосида ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича ўтказилади.

Давлат органлари томонидан улар фаолиятининг тегишли ўйналишлари бўйича режага киритилмаган норматив-хуқуқий ҳужжатларда гендер тенглик принципларига мувофиқ бўлмаган қоидалар аниқланган тақдирда, ушбу номувофиқлик бартараф этилиши учун гендер-хуқуқий экспертиза белгиланган тартибида ўтказилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги режа лойиҳасини шаклантириш мақсадида давлат органлари ўз таклифларини тақдим этишлари учун сўров юборади.

Давлат органлари сўровда кўрсатилган муддатларда гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказиш учун ўз фаолиятининг тегишли ўйналишлари бўйича қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар рўйхатини биринчи раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

9. Режа лойиҳасига давлат органларининг таклифлари билан биргаликда Адлия вазирлигининг норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиётининг таҳлили асосида ишлаб чиқилган таклифлари ҳам киритилиши мумкин.

Ишлаб чиқилган режа лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқлашидан олдин Ўзбекистон Республикаси Гендер тенглигидан таъминлаш масалалари бўйича комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) билан келишилиши зарур.

10. Режани ишлаб чиқишда давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидагилардан фойдаланиши мумкин:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

жамоатчилик назорати субъектларининг таклиф ва тавсиялари;

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

оммавий ахборот воситаларида чоп этилган нашрлар ва бошқа материалларни ўрганиш натижалари.

11. Режада қўйидагилар акс эттирилади:

гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим бўлган норматив-хуқуқий хужжатлар номи;

гендер-хуқуқий экспертизани ўтказиш учун масъул давлат органи;

гендер-хуқуқий экспертизани ўтказиш муддати.

12. Давлат органлари норматив-хуқуқий хужжатларнинг гендер-хуқуқий экспертизасини режада белгиланган муддатларда ва мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган талабларга мувофиқ ўтказади.

13. Гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказилаётган норматив-хуқуқий хужжатларнинг гендер тенглик принципларига мувофиқлиги ёки мувофик эмаслиги юзасидан тайёрланган таҳлилий ахборот ва таклифларни ўз ичига олган хulosса давлат органлари томонидан режада белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилади.

14. Давлат органларининг гендер-хуқуқий экспертиза натижалари бўйича хulosасида норматив-хуқуқий хужжат нормалари айнан қайси қонун хужжатларига ёки гендер тенглик принципларига номувофиқ эканлиги ва зарурат бўлганда, мисоллар ва тегишли соҳада хуқуқни кўллаш амалиётининг таҳлили натижалари билан мустахкамланган ҳолда, бу номувофиқлик нимада ифодаланганилиги акс эттирилиши лозим.

15. Давлат органларининг гендер-хуқуқий экспертиза натижалари ушбу Низомга 2-иловага\* мувофик шаклдаги гендер-хуқуқий экспертиза хulosасида акс эттирилади ва тегишли биринчи раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланади.

Давлат органлари томонидан ўтказилган гендер-хуқуқий экспертиза натижалари бўйича қабул қилинган хulosанинг сифати учун уни ишлаб чикувчи давлат органи жавобгар ҳисобланади.

Давлат органларининг гендер-хуқуқий экспертиза натижалари бўйича хulosасида келтирилган таклиф ва эътиrozлар тавсиявий хусусиятга эга.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат органлари томонидан тақдим этилган хulosаларни бир ой муддатда тегишли норматив-хуқуқий хужжатда гендер тенглик принципларига номувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганади ва унинг натижаларига кўра хulosаларни мақсадга мувофик ёки мақсадга мувофик эмас деб топади.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-хуқуқий хужжатлардаги гендер тенглик принципларига мувофик бўлмаган қоидалар бўйича тайёрланган умумлаштирилган хulosаларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун Комиссияга режада белгиланган муддатларда тақдим этади.

18. Тақдим этилган умумлаштирилган хulosаларнинг таҳлили асосида тегишли норматив-хуқуқий хужжатда гендер тенглик принципларига мувофик бўлмаган қоидалар мавжуд деб топилган ҳолларда, уларни бартараф

---

\* 2-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

этиш мақсадида Комиссия мазкур норматив-хуқуқий хужжатни бажариш ва уни кўллаш учун масъул бўлган давлат органларига тегишли норматив-хуқуқий хужжатни қайта кўриб чиқиш ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича аниқ муддатини кўрсатган ҳолда топшириқ бериш хуқуқига эга.

### **3-боб. Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг гендер-хуқуқий экспертизаси**

19. Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг (кейинги ўринларда — лойиҳа) гендер-хуқуқий экспертизаси ушбу Низомга З-иловага\* мувофиқ схема бўйича ишлаб чиқувчи ва хуқуқий экспертиза доирасида адлия органлари томонидан ўтказилади.

20. Ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳанинг гендер-хуқуқий экспертизасини ўтказиш натижалари тегишли лойиҳа бўйича юридик хизматнинг хуқуқий хulosасида акс эттирилади.

Лойиҳа гендер тенглик принципларига номувофиқ бўлса, юридик хизмат лойиҳани тегишли эътиrozлар билан қайта ишлаш учун лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича масъул бўлган ишлаб чиқувчининг таркибий бўлинмасига қайтаради.

21. Лойиҳа юридик хизмат томонидан гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказилганидан кейин биринчи раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда манфаатдор органлар ва ташкилотларга келишиш учун юборилади.

Келишиш жараёнида манфаатдор органлар ва ташкилотлар лойиҳани гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказиши ва шу бўйича ўзларининг таклиф ва эътиrozларини ишлаб чиқувчига билдириши мумкин.

22. Барча манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишилгандан сўнг ишлаб чиқувчи лойиҳани адлия органларига хуқуқий экспертизадан ва унинг доирасида гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборади.

Лойиҳани хуқуқий экспертизадан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Махкамасининг Регламентлари ҳамда бошқа тегишли норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган муддатларда ўтказилади.

23. Адлия органлари лойиҳанинг хуқуқий экспертизаси доирасида уни гендер тенглик принципларига мувофиқлиги ва жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш ҳолатлари вужудга келишига шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш юзасидан ҳамда мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган талабларга мувофиқ гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказади.

24. Адлия органлари томонидан лойиҳани гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари хуқуқий экспертиза бўйича тегишли хulosада акс эттирилади, унда гендер тенглик принципларига мувофиқ бўлмаган норма-

\* З-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларнинг мавжудлиги тўғрисида асослантирилган маълумот берилади ва лойиҳани қайта ишлаш зарурлиги тўғрисида таклифлар ёки бундай нормалар йўқлиги кўрсатилади.

25. Лойиҳаларнинг гендер-хуқуқий экспертизаси натижалари бўйича билдирилган эътиrozлар мажбурий тусга эга ва бартараф этилиши лозим.

26. Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларда гендер тенглик принципларига мувофиқ бўлмаган қоидаларнинг аниqlаниши қонун хужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асос хисобланади.

#### **4-боб. Норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказишнинг талаблари**

27. Норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳалари гендер-хуқуқий экспертизадан кўйидаги талаблар асосида ўтказилади:

норматив-хуқуқий хужжатлар нормалари ва қоидаларини ҳамда уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, қонунда белгиланган тартибда кучга кирган халқаро шартномалар ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларини тартибга солувчи бошқа қонун хужжатлари нормаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан гендер таҳлилдан ўтказиши;

норматив-хуқуқий хужжатлар нормалари ва қоидалари ҳамда уларнинг лойиҳаларининг гендер тенглик принципларининг ҳар бир таркибий қисми (тенг хуқуқлар, тенг жавобгарлик, тенг имкониятлар, тенг мажбуриятлари) билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш. Бунда сиёсий, иқтисодий, меҳнат ва бошқа ижтимоий муносабатларда амалдаги тенгликка эришишга қаратилган, бироқ жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш хисобланмайдиган нормалар ва вақтинча маҳсус чораларни инобатга олиш лозим;

таҳлил қилинаётган норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларида қўлланиладиган атамаларнинг тўғри маънода ишлатилишини текшириш.

28. Норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер таҳлили қўйидагиларни ўз ичига олади:

норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳалари қабул қилиниши натижасида ҳар хил жинсдаги шахслар учун турли оқибатларни келтириб чиқарувчи қоидаларни аниqlаш ва тартибга солиш соҳасини олдиндан таҳлил қилиш;

норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини қабул қилиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган узоқ муддатли оқибатларни баҳолаш;

тегишли тавсияларни ишлаб чиқиши.

29. Гендер таҳлил ўтказиш давомида тегишли ҳужжат билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар соҳасида камситилиш ҳолатидаги жинслардан бирини қўллаб-кувватлаш учун гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинча маҳсус чораларни белгиловчи нормаларни лойиҳаларга ҳамда тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларга киритиш имкониятини аниқлаш зарур.

30. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказишида қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг гендер тенгликка эришиш соҳасидаги давлат сиёсатига мослиги;

мамлакатдаги жорий гендер ҳолат, лойиҳа қоидаларининг хотин-қизлар ва эркакларнинг турли ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва ролига таъсири.

31. Гендер-хуқуқий экспертизани ўтказишида давлат органлари илмий-таълим муассасалари мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошка институтлари вакилларини, шунингдек, фуқароларни шартнома асосида жалб қилишга ҳақли. Ушбу тадбирлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

## **5-боб. Гендер-хуқуқий экспертиза ўтказилаётганда қўлланиладиган ахборот**

32. Гендер-хуқуқий экспертиза ўтказилаётганда ҳам расмий, ҳам норасмий ахборотдан фойдаланилади.

33. Расмий ахборотга қўйидагилар киради:

норматив-хуқуқий ҳужжатлар;

халқаро шартномалар;

расмий нашрлар, жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғининг расмий ресурслари;

статистик маълумот ва ҳисботлар;

суд амалиёти.

34. Норасмий ахборотга қўйидагилар киради:

оммавий ахборот воситаларининг хабарлари;

илмий нашрлар;

Интернет жаҳон ахборот тармоғининг норасмий ресурслари.

## **6-боб. Гендер-хуқуқий экспертизани ўтказувчи экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

35. Гендер-хуқуқий экспертизани ўтказадиган эксперт:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда гендер-хуқуқий эксперти-

здан ўтказадиган норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳалари предметига таалукли бўлган хужжатлар билан танишиш;

гендер-хуқуқий экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча хужжатларни сўраб олиш;

гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказиладиган норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳалари нормаларини аниқлаштириш ва улар бўйича тегишли тушунтиришларни олиш хуқуқига эга.

Эксперт қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

36. Гендер-хуқуқий экспертизани ўтказадиган эксперт:

гендер-хуқуқий экспертизани ташкил этиш ва ўтказишнинг қонун хужжатлари билан белгиланган талабларига риоя қилиш;

ўзини ўзи рад этиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда ўзининг раҳбарига дархол маълум қилиш;

гендер-хуқуқий экспертизани ўтказиш муносабати билан ўзига маълум бўлган маълумотларни ошкор қиласлини;

тақдим этилган хужжатларнинг сақланишини таъминлашга мажбур.

Эксперт қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

## **7-боб. Якунловчи қоида**

37. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ**

### **146 Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида\***

«Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5816-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **карор қиласди**:

1. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 апрелда эълон қилинган.

жавобгарлигини мажбурий суурита қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчкоров ҳамда адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

## **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 4 апрель,  
199-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 4 апрелдаги 199-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суурита қилиш ҚОИДАЛАРИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидалар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суурита қилиш тартибини белгилайди.

2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суурита қилиш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар натижасида заарар кўрган шахсларнинг мулкий манфаатларини суурита тўловлари орқали ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

3. Ушбу Қоидаларда кўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус** (кейинги ўринларда нотариус деб аталади) — юридик шахс ташкил этмасдан хусусий амалиёт билан шуғулланиш хукуқини берувчи лицензия асосида нотариал фоалиятни амалга оширувчи ва ҳудудий адлия органида ҳисоб рўйхатидан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**нотариуснинг фуқаролик жавобгарлиги** — хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг нотариал ҳаракатларни амалга ошири-

ши натижасида нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган жисмоний ҳамда юридик шахсга ва (ёки) нотариал ҳаракатни амалга оширишдаги учинчи шахсларга етказилган мулкий зарарни қоплаш мажбурияти;

**нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси** (кейинги ўринларда мажбурий суғурта шартномаси деб аталади) — суғурта шартномаси бўлиб, унга кўра суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда мазкур Коидаларга мувофиқ мулкий зарар кўрган шахсларга ушбу суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта бадали (суғурта суммаси) доирасида қоплаш мажбуриятини олади;

**наф оловчи** — мазкур Коидаларга мувофиқ мажбурий суғурта шартномаси асосида юз берган суғурта ҳодисаси натижасида суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга шахс;

**суғурта ҳодисаси** — мажбурий суғурта шартномаси амал қилиши даврида қонун ҳужжатларига зид нотариал ҳаракатни амалга ошириш натижасида нотариуснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жисмоний ёки юридик шахсга мулкий зарар етказилганлигининг суднинг қонуний кучга кирган қарори билан белгиланган ёки суғурта қилувчи томонидан тан олинган факти;

**суғурта суммаси** — суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда мазкур Коидаларга мувофиқ мулкий зарар кўрган шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини олган сумма;

**суғурта мукофоти** — суғурта қилдирувчи мажбурий суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчига тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

**суғурта товони** — суғурталовчи томонидан наф оловчига мажбурий суғурта шартномасига мувофиқ суғурта суммаси доирасида тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

**суғурталовчи** — тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва мажбурий суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини амалга ошириш мажбуриятини оловчи тијорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

**суғурта қилдирувчи** — суғурталовчи билан мажбурий суғурта шартномасини тузган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус;

**учинчи шахс** — мажбурий суғурта шартномасининг тарафи бўлмаган, нотариус нотариал ҳаракатларни амалга ошириши натижасида мулкий зарар кўрган шахс.

4. Нотариус нотариал фаолиятни амалга оширишда мажбурий суғурта шартномасини тузиши шарт.

Мажбурий суғурта шартномаси мавжуд бўлмаганлиги ёки тузилган шартнома қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги — бундай шартнома тузилган ёки тузилган шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирилган кунга қадар «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикасининг Қонунига мувофиқ нотариуснинг лицензиясини тўхтатиб туришга асос ҳисобланади.

5. Нотариуслар фуқаролик жавобгарлигининг қўйидагилар оқибатида юзага келиши суғурта ходисаси ҳисобланмайди:

нотариусга мурожаат қилган шахс томонидан нотариал ҳаракатни амалга ошириш билан боғлиқ ёлғон маълумотлар, ҳақиқий бўлмаган ёки сохта хужжатлар тақдим этилиши;

агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахс нотариусга ушбу нотариал ҳаракат ҳуқук ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган учинчи шахсларнинг йўқлиги ёки мавжудлигини билдирамаган бўлса.

## **2-боб. Суғурта объекти ва субъекти, суғурта суммаси миқдори**

6. Нотариуснинг нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахсга ва (ёки) нотариал фаолиятни амалга оширишдаги учинчи шахсларга мулкий зарар етказилганлиги оқибатида юзага келадиган мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги хавфи билан боғлиқ мулкий манфаатлар мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта объекти ҳисобланади.

Суғурталовчи, суғурта қилдирувчи ва нотариус томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар натижасида зарар кўрган учинчи шахслар нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектларидир.

7. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта суммаси:

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятларнинг маъмурий марказларида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини ташкил этиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг камида минг бараваридан;

бошқа аҳоли пунктларида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини ташкил этиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг камида беш юз бараваридан кам бўлиши мумкин эмас.

## **3-боб. Мажбурий суғурта шартномасини тузиш, ўзгартириш ва муддатидан олдин тўхтатиши тартиби**

8. Нотариус мажбурий суғурта шартномасини тузмасдан ўзининг мажбуриятларини ва нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

9. Мажбурий суғурта шартномасида суғурта қилдирувчи нотариал ҳаракатларни амалга оширганда наф олувчига етказилган зарар туфайли келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш на зарда тутилади, маънавий зарар, бой берилган фойда ва жарима тўловлари бундан мустасно.

10. Мажбурий суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида ушбу Қоидаларга 1-иловага\* мувофиқ шаклда тузилади.

\* 1-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Мажбурий суфурта шартномаси суфурта қилдирувчининг ушбу Қоидаларга 2-иловага\* мувофиқ шакл бўйича мажбурий суфурта шартномасини тузиш тўғрисидаги аризаси асосида тузилади.

12. Суфурта қилдирувчи мажбурий суфурта шартномасини тузиш учун суфурталовчини ихтиёрий танлайди.

13. Агар мажбурий суфурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у суфурта қилдирувчи томонидан суфурта мукофоти тўланган вақтдан, бўлиб-бўлиб тўлашда эса биринчи суфурта мукофоти тўланган вақтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий хисобланади.

14. Мажбурий суфурта шартномаси у кучга кирган кундан бошлаб бир йил муддатга тузилади.

Суфурта ҳимоясининг амал қилиш муддати суфурта шартномасининг амал қилиш муддатига тўғри келади.

15. Суфурта полиси суфурта қилдирувчига суфурталовчининг хисобварагига мажбурий суфурта шартномаси бўйича суфурта мукофоти келиб тушган кундан кейинги уч иш кунидан кечикмай берилади.

Суфурта полиси бланкаси қатъий хисобда турадиган ҳужжат бўлиб, хисобга олиш сериясига, рақамига ва ҳимояланганликнинг камидан З даражасига эга бўлиши керак. Суфурта полиси бланкаси суфурталовчининг буюртмаси бўйича, босмахона усулида, А4 (210 — 297 мм) форматда «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида ушбу Қоидаларга 3-иловада\* келтирилган намунага мувофиқ тайёрланади.

16. Суфурта полиси йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда суфурта қилдирувчи унинг дубликатини олиш ҳукуқига эга.

17. Мажбурий суфурта шартномасига ўзгартиришлар томонларнинг келишувига биноан улардан бирининг ёзма аризаси асосида киритилади. Шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равиша ёзилган ва ҳар икки томоннинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда конуний кучга эга.

18. Мажбурий суфурта шартномасининг амал қилиши куйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилади:

нотариус тугатилганда ёки вафот этганда;

мажбурий суфурта шартномаси суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилганда.

Мажбурий суфурта қилиш шартномасининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

#### **4-боб. Суфурта қилдирувчи ва суфурталовчининг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

19. Суфурта қилдирувчи:  
суфурталовчини эркин танлаш;

\* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

суғурталовчидан мажбурий суғурта шартномаси шартларини, шу жумладан ёз хуқук ва мажбуриятларини тушунтиришни талаб қилиш;

суғурталовчининг молиявий ҳисботи билан танишиш;

ушбу Қоидаларда назарда тутилган тартибда ва шартларда суғурта товонини олиш;

суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги карори юзасидан шикоят қилиш хуқуқига эга.

Суғурта қилдирувчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 20. Суғурта қилдирувчи:

мажбурий суғурта шартномасида белгиланган микдорда, тартибда ва муддатларда суғурталовчига суғурта мукофотини тўлаши;

мажбурий суғурта шартномасини тузишда суғурталовчига ушбу Қоидаларда белгиланган маълумотларни тақдим этиши;

суғурталовчига суғурта ҳодисаси муносабати билан унга нисбатан қўйиляётган барча талаблар ёки унга қарши бошланган суд мухокамаси тўғрисида дарҳол хабар қилиш, зарар етказилиши ҳолатлари тўғрисидаги барча маълумотларни ва ваколатли органлардан олинган суғурта ҳодисасининг сабаблари ҳамда оқибатларини, зарарнинг хусусияти ва микдорини белгилаш учун зарур бўлган хужжатларни суғурталовчига тақдим этиши;

суғурта ҳодисаси юз берганда зарарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш юзасидан мумкин бўлган барча чораларни кўриши;

суғурталовчига зарарни қоплаш тўғрисидаги учинчи шахсларнинг талаби билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш имкониятини бериши;

суғурта ҳодисаси юз берганлиги учун жавобгар шахсга нисбатан регресс талаб қилиш хуқуқини суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтишини таъминлаши шарт.

Суғурта қилдирувчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

#### 21. Суғурталовчи:

мажбурий суғурта шартномасини тузишда суғурта қилдирувчи шахсдан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича олдинги шартномалар, суғурта ҳолатлари, суғурта тўловлари ва мажбурий суғурта шартномасини тузиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни тақдим этишини талаб қилиш;

суғурта қилдирувчи томонидан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги учинчи шахсларнинг талаблари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш;

ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳолларда зарар етказганлик учун жавобгар шахсга нисбатан регресс талаб қилиш хуқуқини тақдим этиш;

ушбу Қоидаларда назарда тутилган асослар бўйича суғурта товонини тўлиқ ёки қисман тўлашни рад этиш хуқуқига эга.

Суғурталовчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Суфурталовчи:

суфурта қилдирувчини мажбурий суфурта шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан унинг хуқук ва мажбуриятларини тушунтириши;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мажбурий суфурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда суфурта қилдирувчига суфурта мукофотини түлиқ ёки қисман қайтариб бериши;

суфурта ходисаси юз берганлиги ва суфурталовчи томонидан тұланиши лозим бўлган зарап миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар етарли бўлмаган тақдирда, улар олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ариза берувчига тақдим этилмаган ва (ёки) нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати кўрсатилган ҳолда хабар бериши;

суфурта ходисаси юз берганда ушбу Қоидаларда назарда тутилган тартибда ва шартларда суфурта тўловини амалга ошириши;

суфурта қилдирувчидан (наф олувчидан) ариза олинганда суфурта қилдирувчининг (наф олувчининг) талабларини кўриб чиқиш ва беш иш куни ичидаги низони ҳал этишнинг кейинги тартибини кўрсатган ҳолда ёзма жавоб бериши;

суфурта ходисаси юз берганда зарапни олдини олиш ва (ёки) камайтириш мақсадида суфурта қилдирувчига етказилган харажатларни қоплаши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида суфурта қилдирувчи ва учинчи шахс ёки наф олувчи тўғрисида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

Суфурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

## **5-боб. Суфурта мукофотини аниқлаш ва уни тўлаш тартиби**

23. Мажбурий суфурта шартномаси бўйича суфурта мукофотининг ҳажми томонларнинг келишуви билан белгиланади, бироқ мажбурий суфурта шартномасида белгиланган суфурта суммасининг бир фоизидан кам бўлмаслиги керак.

24. Суфурталовчи наф олувчига суфурта товоини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун суфурталовчига кўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

суфурта товоини олиш тўғрисида ушбу Қоидаларга 4-иловага\* мувофиқ шаклда ариза;

учинчи шахсларнинг етказилган зарапни ва унинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган зарапни қоплаш тўғрисидаги талаби ёки суфурта қилдирувчи томонидан нотариал ҳаракатлар содир этилиши натижасида етказилган зарапни қоплаш тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори;

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

наф олувчининг шахсини тасдиқловчи хужжат ёки юридик шахс ваки-  
лига берилган ишончнома;

етказилган заарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш чораларини  
кўриш билан боғлиқ харажатларни тасдиқловчи хужжатлар.

25. Хужжатларни қабул қилган суфурталовчи ариза берувчига тақдим  
этилган хужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва қабул қилинган сана кўрсатил-  
ган маълумотнома бериши шарт.

Ариза берувчи томонидан суфурта товонини олиш тўғрисидаги муро-  
жаат электрон шаклда юборилган тақдирда, унга ушбу маълумотнома элек-  
трон шаклда тақдим этилиши мумкин.

26. Суфурта ҳодисаси суфурта қилдирувчи томонидан етказилган заарни  
қоплаш тўғрисидаги суднинг қарори қонуний кучга кирган ёки суфурта  
қилдирувчи томонидан заарни қоплаш тўғрисидаги учинчи шахсларнинг  
талаблари асосли эканлиги тан олинган ва бу ҳакда суфурталовчининг ро-  
зилиги олинган кундан бошлаб юз берган ҳисобланади.

27. Суфурталовчи суфурта қилдирувчининг ташаббуси билан ёки суфур-  
таловчининг талабига биноан заарни бартараф қилиш ва (ёки) камайти-  
риш юзасидан кечикириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати  
билан юзага келган суфурта қилдирувчининг барча билдирилган ва исбот-  
ланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган хол-  
ларда ҳам қоплади.

28. Заарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар  
суфурта товони микдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

29. Суфурта товони етказилган зарар микдорида, лекин суфурта сумма-  
сидан ошмаган микдорда суфурталовчи томонидан бевосита учинчи шахсга  
(унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади.

30. Агар суфурта қилдирувчи учинчи шахсга етказилган заарнинг  
ўрнини суфурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, су-  
фурта қилдирувчи етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амал-  
га оширган тўловларни тасдиқловчи хужжатларни тақдим этганидан кейин  
суфурталовчи суфурта қилдирувчига суфурта товонини тўлайди.

Суфурта қилдирувчи учинчи шахсга етказилган заарнинг ўрнини ўз  
ҳисобидан қисман қопласа суфурталовчи суфурта товонининг тегишли қис-  
мини суфурта қилдирувчига, қолган қисмини эса — учинчи шахсга (унинг  
меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўлайди.

Банкнинг тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги белгиси қўйилган  
тўлов топшириқномаси нусхаси етказилган зарар ўрнини қоплаш тарти-  
бида суфурта қилдирувчи тўлаганлигини тасдиқловчи хужжатлар ҳисоб-  
ланади.

31. Суфурта товонини тўлашда суфурталовчи наф олувчидан суфурта-  
ловчига нисбатан даъвони чеклайдиган шартларни қабул қилишни талаб  
қилишга ҳақли эмас.

Нотариус томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракат натижасида  
мулкий манфаатлари зарар кўрган учинчи шахс вафот этган тақдирда, унинг  
меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари наф олувчи ҳисобланади.

Суфурталовчининг ёзма розилиги билан суфурталовчининг мажбуриятлари доирасида учинчи шахсга (унинг меросхўрларига ёки хуқуқий ворисларига) етказилган заарнинг ўрнини қоплаган суфурта қилдирувчи ҳам наф олувчи бўлиши мумкин.

32. Суфурта товонини тўлаш суфурталовчининг суфурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

33. Суфурталовчининг суфурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори суфурта қилдирувчига у суфурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак, товон тўлаш рад этилганда қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

34. Агар суфурта товонини тўлаш ушбу Коидаларда белгиланган муддатда амалга оширилмаган бўлса, суфурталовчи учинчи шахсга (унинг меросхўрига ёки хуқуқий ворисига) суфурта товонига қўшимча равишда суфурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиқсан ҳолда пеня тўлайди.

35. Агар мажбурий суфурта шартномаси амалда бўлган даврда суфурталовчи учинчи шахсга (унинг меросхўрига ёки хуқуқий ворисига) суфурта товони тўласа, у ҳолда суфурта қилдирувчи суфурталовчидан суфурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки хафта муддатда тўланган суфурта товони суммасига ва мажбурий суфурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда қўшимча суфурта мукофотини тўлайди.

36. Суфурталовчи мажбурий суфурта шартномасининг амал қилиши даврида вужудга келган заарларнинг ўрнини, агар учинчи шахс (унинг меросхўри ёки хуқуқий вориси) заарларни келтириб чиқарган суфурта ходисаси хақида заарларнинг ўрнини мажбурий суфурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин уч йил ичida ундириш тўғрисида даъво аризаси берган бўлса, қолпайди.

37. Суфурталовчи суфурта ходисаси қўйидаги асослар бўйича юзага келган тақдирда суфурта товонини тўлашни рад этиш хуқуқига эга:

суфурта қилдирувчининг суфурта ходисасини юзага келтиришга қаратилган қасдан қилинган харакатлари;

суфурта қилдирувчи томонидан суфурта ходисаси юз берганлиги хақида ёлғон маълумотлар тақдим этилиши;

суфурта қилдирувчи томонидан «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунида белгиланган нотариуснинг вазифалари ва мажбуриятларига мувофиқ бўлмаган фаолиятни амалга ошириши;

суфурта қилдирувчи томонидан зарар келтириб чиқаришда айбордor бўлган шахсдан етказилган зарар учун тегишли компенсация олиниши;

суфурта қилдирувчи томонидан суфурталовчига суфурта ходисаси юзага келиши ҳолатларини текширишда ва етказилган зарар миқдорини аниqlашда тўсқинлик қилиши.

Суфурталовчи ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича суфурта товонини тўлашни рад этишга ҳақли эмас.

38. Суфурталовчи томонидан қўйидаги ҳолларда суфурта товони қопланмайди:

суфурта қилдирувчи томонидан тан олинган, бироқ суфурталовчининг розилиги олинмаган учинчи шахснинг ёзма талаби билан аниқланган зарар;

мажбурий суфурта шартномаси амал қилиши давомида шартнома кучга киргунга қадар юзага келган сабабларга кўра етказилган зарар;

маънавий зарар, бой берилган фойда ва жарима тўловлари.

## **6-боб. Суфурталовчининг регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқи**

39. Суфурталовчи зарар етказилган шахсга ўзи тўлаган суфурта товони миқдорида қўйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

суфурта ҳодисаси суфурта қилдирувчининг қасдан қилган ҳаракатлари натижасида юзага келган бўлса;

суфурта ҳодисаси суфурта қилдирувчининг қасдан содир этган жинояти натижасида юзага келган бўлса;

суфурта қилдирувчи томонидан заарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш чораларини қасдан кўрмаганлиги натижасида зарар миқдори ошибкетган бўлса;

суфурта қилдирувчи томонидан суфурталовчига суфурта обьекти, суфурта хавфи, суфурта ҳодисаси ва унинг натижалари ҳакида ёлғон маълумотлар берилган бўлса.

40. Суфурта товонини тўлаган суфурталовчига суфурта қилдирувчининг суфурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан тўланган сумма доирасида регресс тартибида талаб қилишга бўлган ҳуқуқи ўтади.

41. Суфурталовчи томонидан ундирилган заарлар бўйича жавобгар бўлган шахсга нисбатан эга бўлган талаб қилиш ҳуқуки суфурта товонини тўлашни амалга оширган суфурталовчига у тўлаган сумма доирасида ўтади.

42. Суфурта қилдирувчи суфурта товонини олишда суфурталовчига унинг суфурта ҳодисаси юзага келишида айбдор бўлган шахсга нисбатан қайта талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун барча зарур ҳужжатларни бериши шарт.

43. Агар суфурта қилдирувчи суфурталовчи томонидан ундирилган зарар юзасидан жавобгар бўлган шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу ҳуқуқни амалга ошириш суфурта қилдирувчининг айбига кўра мумкин бўлмай қолса суфурталовчи суфурта қилдирувчидан суфурта товонининг тўланган суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

**7-боб. Якунловчи қоида**

44. Ушбу Қоидаларни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## БЕШИНЧИ БҮЛİM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
 ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ  
 КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**147 Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 марта рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 2925-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 344-В ва 26-сон қарори (рўйхат рақами 2925, 2017 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 968-модда) билан тасдиқланган Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 марта эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 26 февраль,  
344-В-3-сон

**Иқтисодий жиноятларга  
қарши курашиш  
департаменти бошлиғи**

**Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 26 февраль,  
10-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон  
Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги  
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш  
департаментининг 2020 йил 26 февралдаги  
344-В-3 ва 10-сон қарорига  
ИЛОВА

**Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан  
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни  
молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни  
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат  
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандда:

ўн бешинчи хатбоши «улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар» деган сўзлардан кейин «, очик манбалар ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган қўшимча тасдиқланган маълумотлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

йигирманчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«юқори мансабдор шахслар** — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари;»;

йигирма олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«учинчи томон** — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг «Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга карши курашиш түўрисида»ги Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган ташкилотлар.».

2. 4-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошларининг» деган сўзлар «юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сўровлар бўйича мижозлар базасидан жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, террорчиллик фаолиятини молиялаштиришга ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлашдан иборат.».

3. 6-бандда:

тўққизинчи хатбошидаги «юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари» деган сўзлар «юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ходимларни танлаш бўйича малака талаблари ва тартиблари;»;

ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда ўн биринчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

4. 12-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«иктисодиёт соҳасидаги, бошқарув тартибига қарши, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлари учун аввал суд томонидан жиной жавобгарликка тортилган шахслар.».

5. 21-бандда:

а) «а» кичик бандда:

қўйидаги мазмундаги олтинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«мижоз қонун хужжатларига мувофиқ кисқа муддатли кредитлар, микрокредитлар, микроқарзлар, шунингдек истеъмол кредитлари олиш учун мурожаат қилгандা;

карз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг) бўйича операцияларни амалга оширганда;

мижоз микрокредит ташкилоти лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган микролизинг олиш учун мурожаат қилганида;»;

олтинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансан;

тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«учинчи шахслар мижознинг нобанк кредит ташкилоти олдидаги базавий ҳисоблаш микдорининг 10 бараварига teng ёки ундан ортиқ бўлган

суммадаги мажбуриятларини бажариш учун мурожаат қилганида, шу жумладан бундай операция ўзаро боғлиқ бўлиб кўринадиган бир ёки бир нечта операцияни бажариш орқали амалга оширилаётган ҳолларда;»;

куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«фуқаролардан шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган кўчар молмulkни сақлаш учун қабул қилишда;»;

б) «б» ва «в» кичик бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) мижоз базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлган суммада бир марталик маслаҳат ёки ахборот хизматларидан фойдаланишни сўраб ариза билан мурожаат қилганда, шу жумладан бундай операция ўзаро боғлиқ бўлиб кўринадиган бир ёки бир нечта операцияни бажариш орқали амалга оширилаётган ҳолларда;»;

в) мазкур Коидаларда белгиланган хар қандай истисноларга қарамасдан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бўйича шубҳалар мавжуд бўлганда;».

6. 22-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижознинг шахсини текшириш ва идентификация қилиш;»;

куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«мижоз номидан иш кўраётган шахсни идентификация қилиш, шахсни ва ваколатларини тегишли ҳужжатлар асосида текшириш;»;

учинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижоз томонидан амалга ошириладиган иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти, таваккалчилик хусусияти, шу жумладан зарур бўлганда маблағлар манбаси тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказиш.

Нобанк кредит ташкилотлари мижоз ёки бенефициар мулкдорнинг юқори мансабдор шахс эканлигини аниқлаш мақсадида таваккалчиликларни бошқариш тизимларидан фойдаланишлари шарт ва мижозни лозим даражада текшириш бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган чораларни қўриш билан бирга, мижоз ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахсларга нисбатан:»;

тўққизинчи хатбоши «киришиш» деган сўздан кейин «(ёки мавжуд мижозлар учун давом эттириш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсан:

«Нобанк кредит ташкилотлари юқоридаги чораларни юқори мансабдор шахсларнинг оила аъзоларига ёки юқори мансабдор шахсларга яқин шахсларга нисбатан ҳам кўришлари керак.

Мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда нобанк кредит ташкилоти бу ҳақда маҳсус ваколатли давлат организига хабар бериши ва бундай мижоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришиш ёки бундай мижознинг операцияларини амалга оширишдан воз ке-

чиши ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиши лозим.».

7. 23-банднинг биринчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Мижоз ёки мижоз томонидан амалга оширилаётган операция юкори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритилган тақдирда нобанк кредит ташкилотлари ушбу мижозга нисбатан қўйидаги лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини қўришлари шарт:».

8. 27-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Юридик шахсларни лозим даражада текшириш жараёнида нобанк кредит ташкилоти пировард натижада мижознинг мулкдори бўлган ёки мижозни назорат қилувчи мижознинг бенефициар мулкдори — жисмоний шахсни идентификация қилиши, ишончли манбадан олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, шу жумладан қўйида келтирилган маълумотларни ўрганиш орқали, бенефициар мулкдорнинг шахсини текшириш юзасидан ўринли чораларни қўриши керак:

мижознинг мулк ва бошқарув тузилмаси;

мижознинг таъсисчилари (жамият акцияларининг / улушларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорлари / иштирокчилари) тўғрисидаги;

пировардидаги юридик шахснинг улушкига (камида ўн фоиз) эгалик қилувчи жисмоний шахс(лар)нинг (агар мавжуд бўлса) шахсий маълумотлари;

агар қўрилган чоралар бўйича назорат қилувчи улушга эга бўлган шахс бенефициар мулкдор эканлигига шубҳа туғилса ёки улушга бўлган мулк ҳуқуқи бошқарувини амалга оширувчи шахслар бўлмаса, юридик шахс устидан назоратни бошқа усувлар билан амалга ошираётган шахс(лар)нинг (агар мавжуд бўлса) шахсий маълумотлари.

Нобанк кредит ташкилоти томонидан қўрилган тегишли чоралар бенефициар мулкдорни аниқлаш имконини бермаса, нобанк кредит ташкилотлари юкори раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган шахсни идентификация қилиши ва унинг шахсини текшириш юзасидан ўринли чораларни қўриши керак.».

9. 29-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

10. 30-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Нобанк кредит ташкилотлари мавжуд мижозларга нисбатан уларнинг аҳамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиқсан ҳолда лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни қўриши ва тегишли вактда бундай мавжуд муносабатларни лозим даражада текширишни, бундай текширишлар қачон ўтказилганлиги ва умуман ўтказилган ёки ўтказилмаганлигини ҳамда олинган маълумотларни етарлилигини хисобга олган ҳолда ўтказилари керак.».

11. 33-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва тероризмни молиялаштиришга қарши курашиб соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатлар худудида шўъба корхоналар, филиаллар ёки ваколатхоналар ташкил этиш.».

12. 34-банда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансан; иккинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда биринчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

13. 40-банднинг «з» кичик бандидаги «ва уларнинг оила аъзолари» деган сўзлар «, уларнинг яқин қариндошлари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 42-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансан; иккинчи хатбоши биринчи хатбоши деб ҳисоблансан.

15. Қўйидаги мазмундаги 42<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«42<sup>1</sup>. Нобанк кредит ташкилоти жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган чораларни қўриши керак. Ушбу мақсадларда нобанк кредит ташкилоти:

янги хизмат турлари ва янги иш амалиёти ишлаб чиқилиши;

янги ва мавжуд хизмат турлари учун янги ёки ривожланаётган технологиялардан фойдаланилиши сабабли юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражаларини аниқлаши ва баҳолаши керак.

Таваккалчиликни бундай баҳолаш янги хизмат турлари, иш амалиётининг татбиқ қилинишидан ёки янги ёхуд ривожланаётган технологиялардан фойдаланилишидан аввал ўтказилиши керак.

Нобанк кредит ташкилоти ушбу таваккалчиликларни мониторинг қилиш ва камайтириш учун тегишли чораларни қўриши лозим.».

16. 49-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансан; еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансан.

17. 70-банд қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«70. Мижозларни лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар аҳамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда мижоз маълумотларида ўзгаришлар бўлганда, бироқ мижоз томонидан жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни амалга ошириш таваккалчилиги нобанк кредит ташкилоти томонидан юқори баҳолангандага йилига камида бир маротаба, бошка ҳолларда икки йилда камида бир маротаба янгиланиши лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**148** **Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилганда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасалари бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига йиллик меҳнат таътили беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
28 марта рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 3227*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Фармонига мувофиқ **буюраман**:

1. Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилганда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасалари бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига йиллик меҳнат таътили беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Ушбу буйруқ коронавирус пандемияси билан боғлиқ карантинга оид чоралар бекор қилингунга қадар амал қиласи.

**Вазир**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 25 март,  
8-2020/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 марта эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг 2020 йил 25 мартағи  
8-2020/Б-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида мактабгача  
таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг  
фаолияти тўхтатилганда мактабгача таълим ташкилотлари  
тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасалари бошланғич  
синф ўқувчиларининг ота-оналарига йиллик меҳнат таътили  
беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг (бундан буён матнда Фармон деб юритилади) 18-бандига мувофиқ коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш вақтида (бундан буён матнда карантин даврида деб юритилади) мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилган даврда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасаларининг бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътили (бундан буён матнда меҳнат таътили деб юритилади) беришнинг вақтинчалик тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Меҳнат таътили карантин даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилган даврда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиси бўлган боланинг ва умумтаълим муассасаларининг бошланғич синф ўқувчиси, яъни 1-синфдан 4-синфгача бўлган ўқувчининг ота-она (улар ўрнини босувчи шахс, васий, ҳомий) сига берилади.

2. Ушбу Низомга мувофиқ карантин даврида меҳнат таътили ходимнинг хохишига кўра ташкилот томонидан тасдиқланган таътиллар жадвалидан қатъи назар берилади. Бунда, ходимга биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан кейин таътил беришга оид талаб татбиқ қилинмайди.

3. Агар ходим карантин даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилишидан олдин меҳнат таътилини олган бўлса ёки карантин даврида меҳнат таътилини олишни хоҳламаса, иш берувчи ходимнинг хохишига кўра қўйидагиларни амалга ошириши мумкин:

ходимни масофавий иш усули, мослашувчан иш графиги ёки уйда ишлашга вақтинча ўтказиши;

ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берниши.

## **2-боб. Мехнат таътилиниң берилиши тартиби**

4. Ходимлар ташкилот раҳбари (бундан буён матнда иш берувчи деб юритилади) номига меҳнат таътилини берилиши бўйича сабаби ва санасини кўрсатган ҳолда ёзма ариза тақдим этадилар.

Ходимнинг хоҳишига биноан, аризада сўралаётган меҳнат таътилини давомийлиги кўрсатилиши мумкин, аммо ташкилотнинг жамоа шартномаси ёки бошқа локал хужжатларда белгиланган, меҳнат шартномаси шартларига асосан меҳнат таътили кунларидан ошиб кетмаслиги керак.

Шу билан бирга ушбу қоида ҳам асосий, ҳам узайтирилган меҳнат таътиллари, шунингдек йиллик кўшимча таътиллар, меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари ва бошқа норматив хужжатлар ҳамда меҳнат шартномасида белгиланган ҳолатларда татбиқ этилади.

5. Меҳнат таътилини давомийлиги олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календарь бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади. Меҳнат таътили даврига тўғри келадиган ва меҳнат таътили муддатини аниқлашда иш куни ҳисобланмайдиган байрам кунлари ҳисобга олинмайди, меҳнат таътили берилиши куни эса якшанбага тўғри келмаслиги керак.

6. Иш берувчи ходимдан меҳнат таътилига чиқиши ҳақида ариза олган куни меҳнат таътилиниң бошланиш ва тугаш санасини кўрсатган ҳолда ходимга меҳнат таътилини бериш тўғрисида буйруқ чиқаради.

7. Меҳнат таътили учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасидан олдинги охирги иш кунидан кечикмай амалга оширилади. Аммо, агар меҳнат таътили ариза берилган кундан кейинги кун ёки кейинги икки кун ичидан талаб қилинган ҳолатларда, иш берувчи уни меҳнат таътили олиш учун ариза олинган кундан бошлаб уч иш куни ичидан тўлаши шарт ва меҳнат таътили ҳақини ходимнинг яшаш жойига етказиб берилишини таъминлаши ёки иш ҳақи ва даромадлар билан боғлиқ бошқа тўловларни олиш учун мўлжалланган ходимнинг банк картасига тўлаш орқали амалга оширади.

8. Мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилиши давом этиши муносабати билан ходимнинг меҳнат таътили тугаш куни ишга чиқиш имконияти мавжуд бўлмаса, иш берувчи номига қўйидаги мазмундаги аризани юборади:

муддати ва бошланиш санаси кўрсатилган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил олиш бўйича;

масофавий иш усули, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга вақтинча ўтказиш бўйича.

9. Иш берувчи ходимга аризасида кўрсатилган санадан бошлаб тўлиқ муддатга иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил бернишга мажбур.

Ушбу меҳнат таътилига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 150-моддаси биринчи қисмида белгиланган максимал муддат бўйича чекловлар карантин даврида татбиқ қилинмайди.

Бунда, ушбу меҳнат таътилининг муддати мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхташи муддатидан ош маслиги керак. Мазкур меҳнат таътили унинг муддатидан қатъи назар ходимнинг иш стажига киради.

Ходимни масофавий иш усули, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга вактинча ўтказиш Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вактинчалик тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3228, 2020 йил 28 март) асосида амалга оширилади.

10. Агар ходим меҳнат таътилида бўлган даврда мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасалари фаолияти тикланса ёки ходимнинг меҳнат таътилида қолиш эҳтиёжи бўлмаса, ходим муддатидан олдин ишга чиқиш бўйича ёзма равишда ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Бунда, иш берувчи ушбу аризани қаноатлантириши лозим.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида белгиланган тартиб олдиндан тасдиқланган таътиллар жадвалига мувофиқ меҳнат таътилида бўлган ходимларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

11. Агар ходим иш хақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил (масофавий иш усули, мослашувчан иш графиги ёхуд уйда ишлаш)да бўлган даврда мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тикланса, ходим муддатидан олдин ишга чиқиш ёки одатий (тўлик) иш режимига ўтказиш бўйича ёзма ариза билан мурожаат қилиши мумкин, иш берувчи эса, ушбу аризани қаноатлантириши лозим.

12. Ушбу Низомнинг 10-банди биринчи хатбошисида кўрсатилган холатлар бўйича меҳнат таътили муддатидан олдин тугалланган тақдирда, меҳнат таътили учун ортиқча тўланган ҳақ белгиланган тартибда қайтарилади.

13. Агар мазкур Низомнинг 10-банди биринчи хатбошисида кўрсатилган сабаблар меҳнат таътили даврида юзага келган бўлса, унда таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми тасдиқланган таътиллар жадвалига мувофиқ ёки ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишув асосида белгиланган бошқа муддатга, шу жумладан кейинги календарь йили учун меҳнат таътилига кўшиш орқали кўчирилиши мумкин.

14. Мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилганлиги сабабли ходим таътилга чиқсан даврида, ходими таътилдан чақириб олишга йўл қўйилмайди.

### **3-боб. Якуний қоидалар**

15. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

16. Ушбу Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

*Келишилган:*

*Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси*

*К. РАФИКОВ*

*2020 йил 25 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

## **149 Каратинга оид чоралар амал қилиши даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
28 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3228*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Каратинга оид чоралар амал қилиши даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Ушбу буйруқ коронавирус пандемияси билан боғлиқ карантинга оид чоралар бекор қилингунга қадар амал қиласди.

**Вазир**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 25 март,  
9-2020/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 марта эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг 2020 йил 25 мартағи  
9-2020/Б-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни  
масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда  
ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз холатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий тъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг (бундан бўён матнда Фармон деб юритилади) 18-бандига мувофиқ коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш вақтида (бундан бўён матнда карантин даври деб юритилади) давлат органлари ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар ходимларини масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомга мувофиқ карантин даврида иш берувчилар ходимларни розилиги билан уларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш жадвалида ёки уйда ишлашга ўтказишлари мумкин.

2. Масофавий иш усулида, мослашувчан иш жадвалида ёки уйда ишлашга ўтиш хуқуқидан биринчи навбатда ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган шахслар ва сурункали касалликларга чалинган ходимлар фойдаланади.

**2-боб. Ходимни масофавий иш усулига ўтказиш тартиби**

3. Масофадан иш деганда, ходимнинг меҳнат шартномасида кўрсатилган меҳнат мажбуриятларини иш берувчининг жойлашган худудидан ташқарида, бевосита ёки билvosita назоратида бўлган доимий иш жойи, худуд ёки обьектдан ташқарида бажариладиган иш усули тушунилади.

4. Ходимни масофавий ишга вақтинчалик ўтказишда иш берувчи томонидан вақтинчалик ишга ўтказиш ҳақида муддати кўрсатилган буйруқ чиқарилади.

5. Ходимни масофавий ишга вақтинчалик ўтказиш тўғрисидаги буйруқка иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгартиришлар асос бўлади.

6. Масофавий ишга ўтказиш юзасидан ходим билан тузилган меҳнат шарт-

номасига киритиладиган ўзгартиришларда Мехнат кодексининг 73-моддасида назарда тутилган шартлар билан бир қаторда қуидагилар кўрсатилиди:

иш берувчи ва ходим ўртасида электрон хужжат алмашинуви бўйича ўзаро алоқалар тартиби;

ходимнинг меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш учун зарур бўлган жиҳозлар ва / ёки техника воситаларидан фойдаланиш тартиби, агар томонлар тарафидан ходимга тегишли жиҳозлар ва / ёки техника воситаларидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув мавжуд бўлса;

иш берувчи билан доимий алоқаларини таъминлаш мақсадида ходимни алоқа воситалари билан таъминлаш, шу жумладан Интернет тармоғидан фойдаланиш;

иш берувчи томонидан ходимга берилган жиҳозлар ва техникалар ходимнинг айби билан бузилганда, етказилган зарарни ходим томонидан иш берувчига қоплаб бериш билан боғлик шартлар;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариш учун шахсий жиҳозлар ва / ёки техника воситаларидан, шунингдек алоқа воситалари, шу жумладан Интернет тармоғидан фойдаланган тақдирда харажатларни қоплаш тартиби ва шартлари;

ходим ва иш берувчининг зарурий меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитларига амал қилиш бўйича мажбуриятлари;

ходимни ишлаб чиқариш зарурияти туғилганда доимий иш жойига ўтказиш шартлари.

7. Ходим ва иш берувчи ўртасидаги электрон хужжат алмасиши йўли орқали алоқалар конун хужжатларида ўрнатилган белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Ходим иш вақтининг давомийлиги ва тартибини ишлаб чиқариш топширифининг ҳажми ва меҳнат шартномасида кўрсатилган бошқа шартлардан келиб чиқсан ҳолда мустақил равишда белгилайди. Иш жадвали тарафлар келишувига биноан белгиланади.

9. Масофавий ишда ишловчи ходим иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимланишини хисобга олган ҳолда, у томонидан бажарилган ишлар учун бир баравар микдорда меҳнат ҳақи тўланади. Бунда ходимга нисбатан иш вақтидан ташқари иш, дам олиш ва байрам кунларида иш, шунингдек тунги вақтдаги иш учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланилмайди.

10. Масофавий ишга вақтинчалик ўтказилган ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қуидагича амалга оширилади:

меҳнатга ҳақ тўлашдаги соатбай асосида — ходимнинг масофавий ишга ўтказилгунга қадар белгиланган тариф ставкаси (лавозим оклади)дан келиб чиқсан ҳолда;

меҳнатга ҳақ тўлашдаги ишбай асосида — ўрнатилган нархлардан келиб чиқсан ҳолда.

11. Ходим мавофавий ишга ўтказилганда унинг таътиллар жадвалига мувофиқ меҳнат таътили, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа олиш ҳамда қонун хужжатларида ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа хукуклари сақланиб колинади.

### **3-боб. Ходимни мослашувчан иш графигига ўтказиш тартиби**

12. Иш вақти режимининг ўзгариши, шу жумладан ишнинг бошланиши ва тугаш вақти, шунингдек тўлиқсиз иш вақтининг ўрнатилиши меҳнат шароитининг ўзгариши ҳисобланади ва иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

13. Ходимни мослашувчан иш графигига вақтинчалик ўтказиш тўғрисидаги буйруққа иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасига киритиладиган ўзгартиришлар асос бўлади.

14. Мослашувчан иш графигига вақтинчалик ўтказиш қўйидагиларни назарда тутиши мумкин:

ходимга тўлиқсиз иш вақти — тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш хафтасини белгилаш;

қисқартирилган иш вақти давомийлиги доирасида ходимнинг иши бошланиши ва тугаш вақтларини белгилаш, шунингдек бошқа ходимлар учун ўрнатилган ички меҳнат тартиби қоидаларидан фарқли равишда ишдаги танаффуслар вақти ва давомийлиги.

15. Мослашувчан иш графигига вақтинчалик ўтказиш юзасидан ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритиладиган ўзгартиришларда Меҳнат кодексининг 73-моддасида назарда тутилган шартлар билан бир қаторда қўйидагилар кўрсатилади:

тўлиқсиз иш вақтида — ишнинг бошланиш ва тугаш вақти кўрсатилган кунлик иш соатлари ёки ҳафталик иш кунлари миқдори;

иш вақти режими ўзгарганда — ишнинг кунлик бошланиш ва тугаш вақти, шунингдек сменали ишда ишланадиган ва ишланмайдиган кунларнинг навбати.

16. Ходим мослашувчан иш графигига ўтказилганда унинг таътиллар жадвалига мувофиқ меҳнат таътили, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа олиш ҳамда қонун хужжатларида ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа хукуклари сақланиб қолинади.

Мослашувчан иш графигига ўтказилган ходимга меҳнат ҳақи ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда тўланади.

### **4-боб. Ходимларни уйда ишлашга ўтказиш тартиби**

17. Ходимнинг хоҳишига кўра ва иш берувчининг розилиги билан ходим вақтинчалик уйда ишлаши учун уй меҳнати шаротига ўтказилиши мумкин.

18. Уйда ишлаш тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ ходим яаш жойи бўйича ёки унга ёхуд унинг оила аъзоларига тегишли бўлган бошқа биноларда иш берувчининг буюртмалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишни англатади.

19. Ходимни вақтинчалик уйда ишлашга ўтказиш тўғрисидаги буйруққа иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасига киритиладиган ўзгартиришлар асос бўлади.

20. Уйда ишлашни ташкил этишга, иш берувчи ва ходим ўртасида тузиленганин мөхнат шартномасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ уйда ишлашни амалга ошириш учун зарур бўлган шароитлар, шу жумладан турар жойи бўлган тақдирда йўл қўйилади.

21. Ходимни вактинчалик уйда ишлашга ўтказиш юзасидан ходим билан тузилган мөхнат шартномасига киритилган ўзгартиришларда қўйидагилар кўрсатилади:

ходим уйда бажариши лозим бўлган иш турлари;

ходим лавозим вазифаларини бажариши учун жихозлар, асбоб-ускуналар, бутловчи маҳсулотлар, хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек ишлаб чиқариш топширигини тақдим этиш тартиби;

ходим ва иш берувчининг зарурий мөхнат муҳофазаси ва шароитларига амал қилиш бўйича мажбуриятлари;

ходим томонидан ўз мөхнат мажбуриятларини бажаришда шахсий жихозлари, асбоблари ва инвентарларининг ишлатилиши, шунингдек ходимнинг мөхнат қилиши муносабати билан энергия, сув, алоқа учун харожатларини қоплаш бўйича шартлари ва тартиби;

мөхнат шартномасига киритилган ўзгартиришларда қонун хужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

22. Уйда ишлашга ўтказилган ходимнинг мөхнатига ҳақ тўлаш қўйидагича амалга оширилади:

мөхнатга ҳақ тўлашдаги соатбай асосида — ходимнинг уйда ишлашга ўтказилгунга қадар белгиланган тариф ставкаси (лавозим оклади)дан келиб чиқсан холда;

мөхнатга ҳақ тўлашдаги ишбай асосида.

23. Уйда ишлашга ўтказилган ходимнинг таътиллар жадвалига мувофиқ мөхнат таътили, вактинча мөхнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа олиш ҳамда қонун хужжатларида ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа хукуқлари сақланиб қолинади.

## **5-боб. Якуний қоидалар**

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонун хужжатларда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

25. Ушбу Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

*Келишилган:*

*Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси*

*К. РАФИКОВ*

*2020 йил 25 марта*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**150 «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик  
 воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни  
 ташиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги  
 қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
 28 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1791-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 февралдаги 85-сон «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи соҳасидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 17 марта даги 4, 3-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1791, 2008 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 121-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсинг.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратураси ва Транспорт вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ички ишлар вазири**

**П. БОБОЖНОВ**

Тошкент ш.,  
 2020 йил 17 март,  
 19-сон

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,  
 2020 йил 17 март,  
 113-сон

---

\* Ушбу қарор «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 марта эълон қилинган.

*Келишиилган:*

*Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси*

**А. АЗИЗОВ**

*2020 йил 16 марта*

*Давлат божхона  
қўмитаси раиси*

**М. АЗИМОВ**

*2020 йил 12 марта*

*Бош прокурор*

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

*2020 йил 13 марта*

*Транспорт вазири*

**Э. ГАНИЕВ**

*2020 йил 12 марта*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**151** *Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш  
давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия  
ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгарти-  
риш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
31 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 5 мартағи ПҚ-4227-сон «2019 йилда

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 марта да эълон қилинган.

аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги ва 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган киймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.05.2019 й., 10/19/3163/3221-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 24 март,  
7-2020/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси  
бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг 2020 йил 24 мартдаги  
7-2020/Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат  
жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар  
ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгаришиш ва қўшимчалар**

1. 2-баннда:

иккинчи — бешинчи хатбошилардаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«кам таъминланган оиласлар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари устав фондига (жамғармасига) улуш сифатида киритиш учун — ҳар бир аъзога (оиласга) базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида тўлаш;»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 11-баннадаги «энг кам ойлик ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 15-баннинг биринчи хатбошиси, 16, 17, 25, 26, 31, 32 ва 40-банн

лардаги ҳамда илованинг 2-бандидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 27-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ногирон болалари бўлган» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган болалари бор» деган сўзлар билан алмаштирилсан; бешинчи хатбошидаги «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

5. Куйидаги мазмундаги 5<sup>1</sup>-боб билан тўлдирилсан:

**«5<sup>1</sup>-боб. Кам таъминланган оилаларга ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари устав фондига (жамғармасига) улуш сифатида киритиш учун субсидия ажратиш**

40<sup>1</sup>. Кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида бирлашма ташкил этмоқчи бўлган муассис (бундан буён матнда муассис деб юритилади) бирлашма устав фондига (жамғармасига) улуш сифатида киритиш учун — ҳар бир аъзога (оилага) субсидия олиш учун худуддаги АБКМга ёзма равища мурожаат қиласди.

Муассис томонидан мурожаатга бирлашмага ихтиёрий аъзо бўлувчиларнинг (оила бошлиғи) Ф.И.О. кўрсатилган рўйхати ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш учун муассис ва оила ўртасида тузилган пудрат шартномалари нусхалари илова қилиниши керак.

40<sup>2</sup>. Мазкур Низомнинг 40<sup>1</sup>-банди иккинчи хатбоисида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ топширилгандан сўнг АБКМнинг масъул ходими муассиснинг мурожаатини 5 иш куни ичидаги ўрганиб чиқади ва ўрганиш натижалари бўйича бирлашмага ихтиёрий аъзо бўлувчиларга субсидия ажратиш учун АБКМ раҳбарига таклиф киритади. Бунда, масъул ходим оилани кам таъминланганлигига эътибор қартиши лозим.

40<sup>3</sup>. АБКМ раҳбари бирлашмага ихтиёрий аъзо бўлувчиларнинг бирлашма устав фондидаги улушкини шакллантириш учун 2 иш кунида субсидия ажратиш тўғрисидаги буйруқни расмийлаштиради ва почта орқали муассисга юборади. Буйруқда субсидия олувчилар Ф.И.О., субсидия миқдори кўрсатилиши зарур.

40<sup>4</sup>. АБКМнинг масъул ходими муассис тақдим этган хужжатлар мазкур Низомнинг 40<sup>1</sup>-бандининг иккинчи хатбоисига мувофиқ бўлмагандан ёхуд ўрганиш натижаси бўйича муассиснинг мурожаатида кўрсатилган оила кам таъминланган оила бўлмаган ҳолларда 1 иш кунида субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида муассисга рад этишининг сабаблари асослантирилган ҳолда ёзма равища хат юборади.

40<sup>5</sup>. АБКМнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги буйрувининг нусхасини олган муассис белгиланган тартибда бирлашма ташкил этади.

40<sup>6</sup>. Муассис белгиланган тартибда бирлашма ташкил этганидан сўнг, АБКМга ёзма равища давлат хизматлари марказида рўйхатга олинган бир-

лашманинг аъзолари улуши қўрсатилган устав, бирлашманинг асосий реквизитлари, аъзоларнинг мулкий пайи тўғрисидаги гувоҳнома нусхаларини тақдим этади.

40<sup>7</sup>. АБКМ 2 иш қуни муддатида бирлашма устав фондига ҳар бир оила бошлигининг улуши сифатида киритиш учун бирлашманинг банкдаги хисоб рақамига базавий хисоблаш микдорининг 10 баравари микдорида субсидия ажратади ҳамда бирлашма раиси (муассис) ва оила бошлиги ёзма равишда хабардор қилинади.

40<sup>8</sup>. Қишлоқ ҳўжалиги бирлашмалари устав фондига (жамғармасига) улуш сифатида киритиш учун субсидия битта оиласа фақат бир маротаба ажратилади.».

6. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Иқтиодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган.

*Иқтиодиёт ва  
саноат вазири*

*Д. КУЧКАРОВ*

2020 йил 24 марта

*Молия вазири*

*Т. ИШМЕТОВ*

2020 йил 24 марта

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

### 152 **Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
31 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2972-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 9 деқабрдаги ПҚ-4546-сон «Бюрократик тўсикларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамо-

---

\* Ушбу буйруқ «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 марта эълон қилинган.

йилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 январдаги 13-сон буйруғи (рўйхат рақами 2972, 2018 йил 16 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2018 й., 10/18/2972/0710-сон) билан тасдиқланган Хорижий давлатлар таълим мұассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Маэкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2020 йил 26 февраль,  
85-сон

**П. БОБОЖНОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2020 йил  
26 февралдаги 85-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Хорижий давлатлар таълим мұассасаларида ўқиш  
учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Таълим мұассасаларига ёши ўн саккиздан кичик ва йигирма бешдан катта бўлмаган, шу жумладан йигирма беш ёшдаги ҳам, ўрта, ўртамахсус, бошланғич профессионал, ўрта профессионал ёки ўрта махсус профессионал маълумотга эга, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари, ҳарбий академик лицейлар битирувчилари, шунингдек ички ишлар органдарининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари, профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари танлов асосида ўқишга юборилади.».

2. 18-бандда:

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўқиш ёки иш жойидан тавсифнома (агар ўқиётган ёки ишлаётган бўлса);»;

ўн иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мехнат дафтарчаси нусхаси ёки меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма (агар мавжуд бўлса);».

3. 52-банднинг иккинчи хатбошидаги «касб-хунар таълими» деган сўзлар «бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 7-илованинг 8-бандидаги «ёки касб-хунар таълими» деган сўзлар «, бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта маҳсус профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 10-илованинг 10-бандидаги ва 13-илованинг 3-бандидаги «касб-хунар таълими» деган сўзлар «бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта маҳсус профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ**

**153 «Солик тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2926-2*

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 19, 56-моддалари га хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон «Мамлакатда бизнес мухитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 2017-41-сонли «Солик тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2926, 2017 йил 5 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 36-сон, 972-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солик  
қўмитаси раиси**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 27 февраль,  
2020-07-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 марта эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил  
27 февралдаги 2020-07-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарор муқаддимасидаги «22<sup>1</sup>-моддасига» деган сўзлар «19, 56-моддалариға» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддимадаги «22<sup>1</sup>-моддасига» деган сўзлар «19, 56-моддаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«солиқ тўловчилар** — Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига белгиланган соликлар ҳамда йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслар.»;

в) 4-банд қўйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Жисмоний шахсга, ушбу шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлишидан ёки бўлмаслигидан қатъи назар, солиқ тўловчининг битта шахсий кабинети шакллантирилади.

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳисобга турган жисмоний шахс ўз солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан якка тартибдаги тадбиркор сифатидаги ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини электрон тарзда амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин.»;

г) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш солиқ тўловчи томонидан ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бунда давлат солиқ хизмати органлари ҳамда солиқ тўловчилар бўлган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги ахборот алмашинуви фақат солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади.»;

д) 7-банд қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Солиқ тўловчининг шахсий кабинети активлаштирилганидан кейин то унинг амал қилиши тўхтатиб турилгунига қадар давлат солиқ хизмати органлари барча ҳужжатларни солиқ тўловчига фақат унинг шахсий кабинети орқали юборади. Солиқ тўловчи ҳужжатларни давлат солиқ хизмати органлари га худди шундай тартибда юборади.»;

е) 11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Солиқ тўловчилар томонидан ҳужжатлар давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилганда — жўнатилган кун, почта орқали юборилганда беш кундан кейин олинган деб ҳисобланади.»;

ж) 18-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилган электрон хужжатлар солиқ тўловчи томонидан ўқиб чиқилганидан кейин, лекин ушбу хужжат жўнатилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай олинган деб хисобланади.

Агар солиқ тўловчида шахсий кабинет мавжуд бўлмаса, хужжатлар буюртма хат қилиб почта орқали юборилади ва улар жўнатилганидан сўнг беш кундан кейин олинган деб хисобланади.

Хужжатлар солиқ тўловчига ёки унинг вакилига шахсан мазкур хужжатлар олинган сана кўрсатилган холда имзо қўйдириб топширилиши мумкин.»;

з) қўйидаги мазмундаги 21<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«21<sup>1</sup>. Солиқ органлари ҳамда солиқ тўловчилар бўлган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар даъво аризаси (ариза, шикоят) ва унга илова қилинадиган хужжатларни ишда иштирок этувчи шахсларга ҳамда иқтисодий судга электрон тарзда юбориш учун солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланишлари мумкин.».

3. Мазкур ўзгаришиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Олий суд раиси*

*K. КАМИЛОВ*

2020 йил 27 февраль

*Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири*

*Ш. САДИКОВ*

2020 йил 27 февраль

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*A. ИКРАМОВ*

2020 йил 27 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИНГ  
ҶАРОРИ

**154 Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-4*

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Фаолиятнинг айрим турлари ни лицензиялаш тўғрисида»ги конунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сонли қарори (рўйхат рақами 1815, 2008 йил 22 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 йил, 20-21-сон, 195-модда) билан тасдиқланган Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 5 март,  
5/3-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил  
5 мартдаги 5/3-сон қарорига  
ИЛОВА

**Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 65-банднинг еттинчи хатбошисидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йигимлар» деган сўзга алмаштирилсин.
2. 67-банднинг иккинчи хатбошиси кўйидаги таҳрирда баён этилсин: «Тугатиш натижасида фаолияти тугатилган кредит уюшмалари тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилади хамда Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.».

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 апрелда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва  
идораларнинг норматив-хукуқий ҳужжатларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
2020 йил 28 мартаңдан 10 апрелгача  
бўлган маълумотни маълум қиласи**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг 2020 йил 26 февралдаги 344-В-З, 10-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидаларига ўзгариш ва қўшимчалар киришиб ҳақида»ги қарори.

**2020 йил 28 мартаңда рўйхатидан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-3.**

2. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 мартаңдаги 8-2020/Б-сон «Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилганда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасалари бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига йиллик меҳнат таътили беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғи.

**2020 йил 28 мартаңда рўйхатидан ўтказилди, рўйхат рақами 3227.**

3. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 мартаңдаги 9-2020/Б-сон «Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида ходимларни масоғавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғи.

**2020 йил 28 мартаңда рўйхатидан ўтказилди, рўйхат рақами 3228.**

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 мартаңдаги 19, 113-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2020 йил 28 мартаңда рўйхатидан ўтказилди, рўйхат рақами 1791-1.**

5. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 24 мартағи 7-2020/Б-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги буйруғи.

*2020 йил 31 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163-1.*

6. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 26 февралдаги 85-сон «Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги буйруғи.

*2020 йил 31 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2972-1.*

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 27 февралдаги 2020-07-сон «Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

*2020 йил 31 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2926-2.*

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 5 мартағи 5/3-сон «Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

*2020 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-4.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 1791, 2008 йил 16 апрель).

*Адлия вазирининг 2020 йил 28 мартағи 82-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**